ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.152/.153

АГЗАМОВ САРДОР ХУРШИД ЎҒЛИ

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

Мутахассислик: 5А230902-“Аудит”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Ш.Шаякубов

ТОШКЕНТ – 2015

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар **и.ф.н., доцент Шаякубов Ш.**

Кафедра мудири **и.ф.н., доцент Қўзиев И.**

Магистратура бўлими бошлиғи **и.ф.н., доцент Ортиқов У.**

МУНДАРИЖА:

Кириш **3**

I боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашнинг назарий асослари **8**

1.1. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги **8**

1.2. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари **11**

1.3. Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари **26**

I боб бўйича хулоса **33**

II боб. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тартиби **34**

2.1. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган усуллар **34**

2.2. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш **40**

2.3. Аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик ҳолатини аниқлаш услубиёти **55**

II боб бўйича хулоса **64**

III боб. Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш **65**

3.1. Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш истиқболлари **65**

3.2. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш йўналишлари **77**

III боб бўйича хулоса **90**

Хулоса **92**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати **95**

Иловалар **102**

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Эркин иқтисодиёт шароитида хусусий секторни кенгайтириш, тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, умуман бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш - муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бугунги кунга келиб ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида унинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилади»[1].

Маълумки, ҳар бир корхона, умуман тадбиркорлик субъекти ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан ўрганиб, таҳлил қилиб, унга баҳо бериши ва аниқланган камчиликни бартараф этиш йўлларини аниқлаб, келгуси иш режаларини белгилаб олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, бозор иқтисодиёти аниқ ва тўғри ҳисоб-китобни, ҳар бир сўмни тежаб-тергаб сарф қилишни талаб қилади. Аудиторлик ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини атрофлича текшириб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Мамлакатимизда нафақат тадбиркорлик субъектлари балки, аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, аудиторлик ташкилотларининг молиявий

[1] Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т.: “O`zbekiston”. 2015. *26*-бет.

ҳолатини баҳолашнинг тартибини тадқиқ қилиш ва бу борадаги муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти қилиб, «Одил аудит» аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисобот маълумотлари олинди. Тадқиқот предмети бўлиб аудиторлик ташкилотларида аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тузишни тадқиқ этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолаш ва уни такомиллаштиришдан иборат. Шу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ўртага қўйилди ва белгилаб олинди:

- аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлигини очиб бериш;
- аудиторлик ташкилотлари фаолияти ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ёритиш;
- аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг мақсади, вазифалари ва ахборот манбаларини белгилаш;
- аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш;
- аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик ҳолатини аниқлаш;
- аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизимини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- рейтинг тизими ёрдамида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари қуйидагилардир:

- иқтисодий ислотларнинг изчиллигини таъминлашда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ўта муҳим;

- аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг аҳамияти муҳим эканлигини илмий жиҳатдан асосланиши тадқиқот мавзусининг услубиятини очиб беради;

- аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш тартибини ўрганиш мақсадга мувофиқдир;

- аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш имкониятларини очиб бериш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Магистрлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ҳамда кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари, аудиторлик фаолияти миллий стандартлари, шунингдек, хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимларнинг аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолаш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар таҳлили асосида ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот масалалари бўйича шахсий календар иш режаси тузилиб, унга кўра қуйидаги изланишлар олиб борилди:

- тадқиқот учун зарур бўлган усул ва йўналишлар рўйхати тузилди ва ўрганиб чиқилди хамда тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинди;

- илмий-тадқиқот муаммоси шакллантирилди ва тавсифланди;

- тадқиқот жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган саволлар тузилди;

- тадқиқот долзарблиги, янгилиги ва амалий ахамиятга эгалиги асосланди;

- тадқиқот мавзуси бўйича мавжуд вазиятлар классификацияси ва нуқтаи назарлар қиёсий тахлил килинди;

- олинган натижаларни янгилик, объективлик ва шубхасизлик, ишончлилик ва яхлитлик талабларига жавоб бериши текширилди;
- хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Тадқиқотларнинг илмий жиҳатдан янгилиги шундаки, Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашга доир муаммоларга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилган. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги очиб берилди;
- аудиторлик ташкилотлари фаолияти ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ёритилди;
- аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари белгиланди;
- аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо берилди;
- аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар белгиланди;
- аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизимини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- рейтинг тизими ёрдамида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;
- аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашни халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолаш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертация иши

юзасидан 2015 йил 17 мартда Тошкент Молия институтида ўтказилган “Ўзбекистонда молия-кредит йўналишлари бўйича иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари”га бағишланган Республикаи илмий-амалий конференциясида “Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш истиқболлари” ва “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш йўналишлари” номли тезислар маъруза қилинган ва конференция иштирокчилари томонидан ижобий баҳоланган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотларнинг олиб борилишида аудиторлик текширувини олиб бориш, унинг шакли, усули ва услубларини танлашга, бошқарув тизими қарорлари ва молиявий ҳисоботлар текширув тизимини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Лекин, шунга қарамай, аудитнинг ривожланишида ўзига хос муаммолар мавжуд, шу жумладан, ҳозирга қадар аудитни ташкил қилишнинг юридик ва услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва услубий таъминлаш ҳаддан ташқари марказлашган.

Мамлакатимизда аудиторлик институтининг шаклланиш жараёни кечмоқда. Шу соҳасининг қонунчилик базаси, аудиторлик хизматлари сифатининг ички назорати тизими, аудиторларни тайёрлаш, сертификатлаштириш ва уларнинг малакасини ошириш тизими такомиллашиб бормоқда.

Фойдаланувчиларнинг аудитга бўлган талаблари ошиб, ана шу ички аудиторлик хизматлари бозорида рақобат кучаяётганлиги аудиторлик текширувлари сифати оширилишини тақозо қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилотига ишончи даражаси субъект манфаатлари қаноатлантирилишига, хусусан аудитор субъектга йўл қўйган хатоларини аниқлашда қандай ёрдам берганлигига, аудиторнинг маслаҳатлари ҳисоб юритиш тизимини қанчалик яхшилаганлиги ва таҳдид-у таваккалчиликларни камайтирганлигига, хўжалик юритувчи субъектни ривожлантириш истиқболлари хусусидаги аудитор баҳоси чамаланган молиявий ахборотни текширишда қанчалик қўл келганлигига боғлиқдир. Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот тўғрилиги хусусида аудитор билдирган фикрга ишончи даражаси аудиторнинг иши сифатига бевосита

мутаносибдир. Ушбу мақсадга эришишда ривожланган мамлакатлардаги аудит тизимининг ташкил қилиниши ва халқаро аудиторлик стандартларининг қўлланилишига алоҳида эътиборни қаратиш лозими. Халқаро аудиторлик стандартлари аудиторлик талабларини батафсил баён қилиши ва мисоллар келтириши билан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан фарқ қилади. Шу сабабли халқаро аудиторлик стандартларини ўрганиш сифатли ўтказилган аудиторлик текширувларининг кўпайишига ва жамоатчилик орасида аудитор касби нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Маълумки, аудитни маълумотлар олиш базаси бўлиб бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади. Аудиторлар текшириш жараёнида текширишнинг махсус услубларидан фойдаланиб аудиторлик далиллар йиғади, молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аудиторлик хулосалари билан тасдиқлайди ва ҳисоб маълумотларини тўғрилашга ўзларининг таклифларини беради. Ҳозирги кунда аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларнинг молиявий ҳолатини тўғри баҳолашга катта эътибор берилмоқда. Лекин, шунга қарамай, аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича ўзига хос муаммолар мавжуд.

1-жадвал

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма объектлари (2015 йил 1 май ҳолатига, бирликда)[2]

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	**1042**
Минибанклар	**2318**
Ахборот-маслаҳат марказлари	**262**
Консалтинг марказлари	**327**
Аудиторлик ташкилотлари	**103**
Ўқув марказлари	**917**
Баҳолаш компаниялари	**138**
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	**204**
Микрокредит ташкилотлари	**32**
Бизнес-инкубаторлар	**34**
Суғурта ташкилотлари	**32**
Брокерлик идоралари	**1424**

[2] Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги (www.mf.uz)маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги 615-сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги Қарори ва унинг иловаси “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, барча аудиторлик ташкилотлари токи 2008 йил 1 январгача жами иккита мезон бўйича: Устав капиталининг миқдори, халқаро сертификатга эга аудиторлар сонига қараб учта гуруҳга бўлингани ҳолда амалдаги лицензияларини алмаштириш учун ариза беришлари керак.

2-жадвал

Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотларининг табақаланиши[3]

Аудиторлик хизматининг гуруҳлар бўйича таснифи	**Устав капиталининг мажбурийлик миқдори**	**Штатдаги аудиторлар сони**
Кичик ташкилот - биринчи гуруҳ: Фақат ташаббус тарзидаги	Энг кам иш ҳақининг 1500 баробаридан кам бўлмаслик	Камида 2та малака сертификатига эга
Ўрта ташкилот - иккинчи гуруҳ: Устав капиталининг миқдори 500 млн. сўмдан ортиқ ОТАЖ, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари барча корхоналарда ташаббус ва мажбурий тарздаги	Энг кам иш ҳақининг 3000 баробаридан кам бўлмаслик	Камида 4та малака сертификатига эга, шундан 1таси қўшимча халқаро бухгалтер сертификатга эга
Йирик ташкилот - учинчи гуруҳ: Барча хўжалик юритувчи субъектларда	Энг кам иш ҳақининг 5000 баробаридан кам бўлмаслик	Камида 6та малака сертификатига эга, шундан 2таси қўшимча халқаро бухгалтер сертификатга эга

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги 907-сонли “Аудиторлик ташкилотлари молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, токи 2009 йил 1 августгача барча лицензия олган ва янгидан ташкил этиладиган аудиторлик ташкилотлари жами Устав капиталининг 51%и аудиторларга тегишли бўлиши ҳамда унинг 50%и пул кўринишида қўйилишини таъминлаши шарт.

Демак, аудиторлик ташкилотлари устав капиталига қўйилган талаб уларнинг молиявий ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

[12] Муаллиф томонидан тузилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини тўғри баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Зеро, аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашга, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа уларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар аудиторлик ташкилоти мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

1.2. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда кейинги пайтларда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга (янги таҳрири) мувофиқ «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг Қарори тасдиқланди. Бунинг натижасида малакали аудиторларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда аудиторлик фаолиятини лицензиялашда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўз навбатида аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларини ҳуқуқ ва масъулиятларини янада оширди ва улар ўртасида рақобат кучайди.

Ҳозирги пайтда аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг жаҳон андозаларига мос келадиган янги шакли вужудга келди.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаштириш (рухсатнома бериш) ва аудитор малака сертификатини беришнинг янги тартиби жорий этилди. Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши албатта аудиторлик текширишларнинг сифатини янада яхшилаш имкониятини яратди. Аудиторлик ташкилотларга аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия маҳсус ваколатли давлат орган – Молия Вазирлиги томонидан

берилади ва аудиторлик фаолиятини махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотларида малака сертификатига эга бўлган аудиторлар фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасда аудитор малака сертификатини олиш тартиби қуйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

- олий иқтисодий маълумотнинг бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик, молиявий ёки солиқ назорати соҳаларида амалий иш, дарс бериш стажи камида 3 йил бўлиши;

- ёки олий ноиқтисодий ёки ўрта махсус иқтисодий маълумот билан аудитор, бош бухгалтер ревизор ёки солиқ инспектори сифатида камида 5 йиллик иш стажининг борлиги. Бундай иш стажига кўрсатилган ишларда ходимлар штатида ёки ўриндошлик сифатида ишлаган даврлари, шунингдек, аудиторнинг ёрдамчиси сифатида ишлаган вақти ҳам киради;

- аудиторларни тайёрлаш марказларида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика Аудиторлар палатаси билан келишиб тасдиқланган ўқитиш дастурлари асосида махсус касбий тайёргарликдан ўтиш.

Шундан сўнг аудитор малака сертификатини олиш учун тегишли талаб этиладиган ҳужжатлар Молия Вазирлигига тақдим этилади ва Молия Вазирлиги томонидан ташкил этилган имтиҳонда қатнашишга рухсат этилади. Имтиҳондан муваффақиятли ўган даъвогар учун аудитор малака сертификати берилади. Аудитор малака сертификати 5 йил муддатга берилади.

Ўзбекисон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қуйидаги хўжалик субъектларининг турлари бир йилда бир маротаба мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари шарт:

- акциядорлик жамиятлари;

- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

- суғурта ташкилотлари;

- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

- маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари Қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

- устав фондида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Республикамизда бугунги кунда бундай ташкилот ва корхоналарнинг сони 14 мингдан ортиқ бўлиб, камида 7 мингга яқин аудиторларни аудиторлик текширишда қатнашишини талаб қилади. Демак, шу бугунги кунда қўшимча 3010 тага яқин малакали аудиторларни тайёрлаш вазифаси турибди.

Ташкилий жиҳатдан аудиторлик текширишлари мажбурий ва ташаббус билан ўтказиладиган аудитга ажратилади. 90-йиллардан кейин аудиторлик ташкилотларининг мижозлари аудиторларнинг далолат бериш вазифасига муҳим эҳтиёж сезиб, ўз ташаббуслари билан текшириш ўтказишга қарор қабул қила бошладилар. Бундай вазиятнинг сабаблари ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам қуйидагича:

а) муассасаларнинг раҳбар ёки бош бухгалтери алмашуви;

б) хўжалик ва солиқ ҳуқуқлари беқарор ва баъзан мантиққа зид ривожланиш шароитда малакали иқтисодий-ҳуқуқий маслаҳат олиш зарурати.

в) айрим компанияларда уларнинг фаолияти ривожланиб кенгайиши сари, шунингдек, филиаллари пайдо бўлиши билан молия ишларини бошқаришдаги қийинчиликлар;

г) мавжуд ғоят чалкаш ва баъзан шавқатсиз солиқ қонунлари доирасида компания бюджетга жуда кўп солиқ тўлайдиган аслида боши берк кўчага ўхшайдиган вазият;

д) компания сотиб олаётган (ўзига қўшиб олаётган) янги таркибий бўлинмлар-собиқ мустақил юридик шахсларнинг активларини ва

мажбуриятларини ҳақиқий баҳолаш эҳтиёжи;

е) молияни бошқаришнинг самарали тизимини, мижознинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш;

ж) солиқ инспекциясидан қўрқиш ёки уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш эҳтиёжи ва бошқалар.

Бундай буюртмачилдар аудиторлик ташкилотлар мижозларнинг барқарор қисмини ташкил этади. Санаб ўтилган ва мижозлар аудитоларлардан ёрдам сўрайдиган бошқа вазиятларда касбимиз вакиллари кўпинча уларга ўз компаниясининг молиявий аҳволини тўғри тасаввур қилиш, молиявий бошқаришнинг самарали тизимини, мижознинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш имконини берадилар.

90-йилларнинг иккинчи ярмида аудит ўтказишга аризаларнинг ярмидан кўпроғи ва айрим ҳолларда учдан икки қисми қонунга мувофиқ аудиторлик текширишидан ўтиши лозим бўлган ташкилотлардан туша бошлади. Қонунчиликнинг ўзи бозор иқтисодиётига ўтган сари ўзгариши, такомиллашуви ва янгиланиши лозимлиги тушунарлидир. Иқтисодий субъектларни мажбурий тарздаги аудиторлик текшириш учун низомлар кенгайиши ёки торайиши лозим. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб мезонларни кенгайтириш афзалроқдир.

Мамлакатимизда бундай шартларни аниқлаш зарурлиги биринчи марта «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Қонунда (20 модда) бўйича ҳар йилги муқаррар аудиторлик текширишни асосий мезонлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи. Бу қонунда ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоботи ишончлилигини тасдиқлайдиган аудиторлик хулосаси, агар ташкилот қонунга мувофиқ мажбурий аудит ўтказиладиган корхоналар таркибига кирса, унинг бухгалтерия ҳисоботи таркибига кириши аниқ ёзиб қўйилган.

Шу тариқа 1996 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисоботини аудиторлик текшириши мажбурийлиги ҳукумат қарори билан эмас, қонун билан тартибга солинади. Кўп ҳолларда мамлакатимизда (қимматли қоғозлар, акциядорлик жамиятлари, хорижий инвестициялар бўйича) бундай қонунлар амал

қилмоқда. Бу Солиқ кодексининг иккинчи қисмига, хўжалик юритишнинг бошқа асосларига ҳам киритилиши лозим.

Шундай бўлсада, хорижий инвестициялар иштирокидаги энг катта корхоналарга, энг йирик тижорат банкларида (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳам), суғурта ва инвестиция компанияларида, инвестиция фондларида мажбурий аудитни йирик ғарб аудиторлик фирмалари, жумладан «Катта бешлик» фирмалари ўтказмоқда. Улар хизматлари эвазига катта миқдордаги валюта маблағларини олмоқдалар.

Бундан ташқари мажбурий аудит ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириғига биноан ҳам ўтказилади. «Бешлик» фирмалари бунда деярли иштирок этмайди, аммо ўз аудиторларимиз бу жуда фойдасиз ва хавфли мажбурий аудитни бажаришга баъзан жалб этилади.

Ҳозир бундай текширишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан маъмурий буйруқбозлик асосида ўтказилмоқда

Бундай текширишлар ҳозир ҳам долзарблигича қолмоқда, аудиторларнинг бу борадаги хизматларида асос йўқ эмас. Аслида бундай тартиб билан иқтисодий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги кўп сонли назорат органларининг мукаммал эмаслиги ва уқувсизлиги тан олинади. Маълумки ўз аудиторларимиз орасида ўнлаб йил давомида маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт шароитида тергов органлари учун зарур ишларни бажарган юқори малакали мутахассислар кўп. Уларнинг кўплари иқтисодий жиноятларни очиш ишларида катта тажрибали ва кўникмали кишилардир. Бироқ аудит-тафтиш эмас. Агар ҳокимият тузилмалари давлат молия назорати тизимининг ожизлигини қисман аудиторлик ташкилотлари қоплаши керак деб ҳисоблаш, бу ҳаддан ташқари соддалик ва хаёлпарастликдир. Аудитор далолат бериш вазифасини бажаради, лекин у нотариусдан фарқли равишда бир-икки хўжалик операциясини эмас, мижознинг анча даврдаги, одатда бир йил давомидаги молия-хўжалик фаолиятининг умумий натижаларини тасдиқлайди. Шу сабабли қонун

чиқарувчи орган ҳали ўзи узил-кесил шакллантирмаган иқтисодий қонун шароитида аудитга катта умид боғламоқда.

Бизнинг тажрибамиз ҳам, ҳалқаро тажриба ҳам дастлабки тергов чоғида аудиторлардан фойдаланишнинг самараси камлигини кўрсатмоқда, чунки аудит жарроҳлик воситаси эмас, балки салбий ҳолатларнинг олдини олиш воситасидир. Ҳокимият тузилмаларининг аудиторлар ёрдамида ҳуқуқбузарларга қарши материал тўплашга уринишлари ҳам ҳуқуқий иқтисодиёт тамойилларига зиддир.

Ҳақиқатдан ҳам аудиторлар бошқа назорат органларининг ўрнини эгаллашга мажбур эмас, бунга ҳаққи ҳам йўқ. Аудиторларнинг ҳуқуқларини тортиб олишга ҳақлари йўқ (масалан, товарлар билан давлат чегарасидан ўтишнинг божхона ҳуқуқларини, бюджетдан ташқари фондларнинг тўлалиги ва ўз вақтида ҳисобдан ўтказилганини текширишга ҳақли эмаслар). 1994 йилдан бошлаб аудиторга ёки аудиторлик ташкилотига тергов органи ва терговчи жиноий иш ёки арбитраж судида кўриладиган иш қўзғатилган тақдирдагина фақат прокурор санкцияси билан бундай текшириш ўтказишга топшириқ бера олади. Бундай текшириш натижалари бўйича аудиторнингг хулосаси эса процессуал қонунга мувофиқ тайинланган экспертизанинг далолатномасига асосан текширтирилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тергов давомида аудиторлардан фойдаланишга уриниши бошқа сабабга кўра самарасиз экани тажрибадан маълум. Бундай вазиятда виждони пок аудитор текширилган иқтисодий субъектнинг ярим жиноий ёки жиноий тузилмаларга дахлдорлиги тўғрисида маълум далилларни тақдим этса ҳам, ЖПК сига мувофиқ эксперт хулосаси бўлиши тергов ўтказаётган шахсга, терговчига, прокурор ва судга шарт эмас. ЖПКда уларниг эксперт хулосасига қўшилмаслиги сабаби кўрсатилиши керак, деган жойлари бор. Кўриниб турибдики, аудиторлар ишининг бир қисми бекорга кетади, бу ишлар текинга бажарилиши натижасида аудиторлик ташкилотлари хонавайрон бўлаверади.

Биз “Мажбурий” текшириш ўтказишни солиқ хизматига қолдириш керак, деган фикрга қўшиламиз, чунки улар ходимларнинг профессионал тайёргарлиги, техника билан жиҳозланиши жиҳатидан юқори ўринлардан бирида туради. Давлат органларининг топшириғига биноан аудиторлик текшириши зарурлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, давлат маблағидан фойдаланиб бундай текшириш ўтказиш учун танлов эълон қилиш лозим.

Ниҳоят, бизнинг фикримизча ҳамда амалиётчи аудиторларнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонун билан бирга давлат молиявий назорати тўғрисида қонун (назорат тўғрисида қонун ёки назорат-тафтиш хизмати тўғрисида қонун) ҳам бўлиши керак. Мамлакатимизда шундай қонун қабул қилинса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, бошқа вазирликлар ва идораларнинг назорат-тафтиш органлари бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган қонуний асосга ва ҳуқуқий мақомга эга бўлар эди. Хуллас, идораларга қарашли бўлмаган ва идораларга қарашли молиявий назоратнинг вазифаларини фарқлаб қўйиш аудит, жумладан, мажбурий аудит соҳасини аниқ белгилашга имкон беради.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив ҳужжатларга амал қиладилар.

Аудиторлик фаолияти қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- аудиторлик текшируви ўтказиладиган шахслардан, шунингдек ҳар қандай учинчи шахслардан мустақиллик;
- аудиторлик текширувларини ўтказишда холислик;

- аудиторлик текширувини ўтказаётган аудиторлик ташкилотлари мустақил равишда ишлаш усуллари ва методларини танлаши;

- аудиторлик текширувини амалга ошираётган шахсларнинг профессионал компетентлиги;

- аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг махфийлиги.

Аудиторлик ташкилоти, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензияси, ўзининг номига эга муҳри, мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

Қуйидагилар аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг таҳлили ва ишончлилигини тасдиқлаш;

- хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш;

- мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Аудиторлик ташкилотлари уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ молиявий ҳисоботлар ҳамда у билан боғлиқ бўлган молиявий ахборотларнинг қонунчиликка мувофиқлиги ва ишончлилигини аудиторлик текширувларидан ўтказади, шунингдек профессионал хизматлар кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда аудиторлик ташкилотлари, авваламбор даромадлилик (рентабеллик), капиталдан фойдаланиш даражаси, молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва ўзини-ўзи молиялаш даражаси, ишдаги фаоллик мезонларидан келиб чиқади.

Аудиторлик ташкилотлари:

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

- аудиторлик текширувини олиб бориш шакллари ва услубларини мустақил равишда белгилаш;

- аудиторлик текширувини ўтказишда хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиш, шунингдек ушбу ҳужжатда ҳисобга олинган ҳар қандай мулкнинг аниқ мавжудлиги ёки ҳар қандай мажбуриятларнинг аниқ ҳолатини текшириш;

- аудиторлик текшируви давомида юзага келган саволлар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган кўшимча маълумотларни олиш;

- хўжалик юритувчи субъектдан учинчи шахслар ахборотининг ёзма тасдиқномасини олиш;

- хўжалик юритувчи субъект ишончли аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун барча зарур бўлган ахборотни бермаган тақдирда аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш;

- аудиторлик текширувини ўтказишда аудиторлар ва бошқа мутахассисларни иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш;

- аудиторлик текширувини олиб бориш даврида хўжалик юритувчи субъектга бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, олиб бориш ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлашдан ташқари профессионал хизматлар кўрсатиш;

- республика аудиторлар жамоат бирлашмасига аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари:

- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талаблари ва шартларига амал қилиши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузишдан аввал буюртмачининг талабига кўра аудиторлик фаолиятини амалга оширишга тегишли лицензия, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини кўрсатиши;

- хўжалик юритувчи субъектнинг талабига кўра аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларидаги талаблар, аудиторнинг фикр-мулоҳазалари асосланадиган ҳуқуқий нормалар тўғрисида ахборот тақдим этиши;

- аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларни сир сақлаши;

- аудиторлик ҳисоботида молия-хўжалик операцияларининг қонунийлигини бузиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни акс эттириши;

- ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари бўйича аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида бўлиши ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

- хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари мазкур субъектга зарар келтирганлигига яққол гувоҳлик берувчи ҳолатларни аниқлаган тақдирда бу тўғрида раҳбарият (мулкдор)ни хабардор қилиши ҳамда аудиторлик хулосасида тегишли равишда қайд этиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини акциядорларга етказиш учун уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумий мажлисини чақиришни талаб қилиши;

- аудиторларнинг ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

- республика аудиторлар жамоат бирлашмаларининг талабига кўра аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун ахборот тақдим этиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Аудиторлар назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириқларига биноан фақат аудиторлик ташкилоти билан назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тузилган шартнома асосида турли текширувларни ўтказишда мутахассислар сифатида иштирок этишлари мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари очиқ акциядорлик жамияти шаклидан ташқари барча ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин, бунда устав капиталининг 51 фоиздан кам бўлмаган миқдори мазкур аудиторлик ташкилотининг бир ёки бир нечта штатдаги аудиторларига тегишли бўлиши шарт. Аудитор (аудиторлар) фақат битта аудиторлик ташкилотининг таъсисчиси бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотини аудитор малака сертификатига эга бўлган раҳбар бошқаради.

Аттестациядан ўтмаган раҳбар икки йил мобайнида аудиторлик ташкилоти раҳбари сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга эмас.

Қуйидагилар:

- фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши;

- акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баробари миқдоридан кам

бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 4 нафар аудиторга, уларнинг биттаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши;

- барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши шарт.

Хусусий корхона шаклидаги аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тўғрисида", "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида", "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома асосида ўз фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлган тақдирда аудиторлик фаолиятини амалга оширади.

Аудиторлик ташкилотлари битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувини ўтказиш учун штатдаги аудиторлар ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган аудиторларни жалб этади.

Аудитор сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказиши натижасида келтирган зарари, тижорат сирларини ошкор этганлиги ва аудиторлик ташкилотига зарар келтирган бошқа хатти-ҳаракатлари учун аудиторлик ташкилоти олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда жавобгар бўлади.

Қоидабузарликка йўл қўйилгани учун малака сертификати бекор қилинган ёки амал қилиши тўхтатилган аудиторлар бекор қилинган ёки тўхтатилган вақтдан бошлаб уч йил давомида аудиторнинг малака сертификатини такрор олиш учун малака имтиҳонлари топширишга қўйилмайди.

Қоидабузарликка йўл қўйилгани учун аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиш ҳолларида мазкур аудиторлик ташкилоти раҳбарининг малака сертификатининг амал қилиши ҳам лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади. Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатишга олиб келган қоидабузарликларга йўл қўйган ўша аудиторнинг малака сертификатининг амал қилиши ҳам тўхтатилади.

Қуйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

- "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- лицензия олинаётганда мазкур Низомда назарда тутилган миқдорларда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;

- фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;

- фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлиш;

- аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш;

- штатда аудиторлар сони мазкур Низомда назарда тутилган миқдорда бўлиши;

- лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;

- аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш;

- аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

- аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат аудиторни тайинлаш;

- аудиторлик ташкилоти раҳбарининг уч йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида аттестациядан ўтиши;

- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминлаш;

- ишончли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хулосаси бериш;

- аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;

- ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилиш;

- аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш, шунингдек, аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги талаби бўйича тақдим этиш.

Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиш учун асосбўладиган лицензия талабларини бир марта қўпол равишда бузишга қуйидагилар киради:

- аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш;

- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик;

- ишончсиз ёхуд шак-шубҳасиз ёлғон аудиторлик хулосаси тузиш;

- аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган махфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- аудиторлик текширувларини ўтказишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекланишларга риоя қилинмаслик;

- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг йўқлиги;

- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг текширувларидан бўйин товлаш.

Аудиторнинг малака сертификати амал қилишини тўхтатиш учун асос бўладиган аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бир маротаба бузишга қуйидагилар киради:

- аудиторлик текширувини амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик;

- ишончсиз ёхуд шак-шубҳасиз ёлғон аудиторлик хулосаси тузиш;

- аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган махфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- аудиторлик текшируви ўтказишда аниқланган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоб-китоби юритиш, молия ҳисоботини тузиш бўйича белгиланган талабларни бузганлиги фактларининг аудитор томонидан яширилиши;

- аудиторнинг малака сертификатини ўз номидан аудиторлик фаолиятида қатнашиш учун ушбу ҳужжатдан фойдаланиш мақсадида, бошқа шахсга берилиши факти аниқланганда;

- аудиторлик ташкилотининг штатида турган аудиторнинг мазкур ташкилотнинг тегишли рухсати (буйруғи)сиз назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар топшириғи бўйича турли текширувларни ўтказиш учун мутахассис сифатида қатнашиши.

Аудиторнинг ҳар йилги малака ошириш талабларини мунтазам равишда бузиши аудиторлик малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлади.

Аудиторлик ташкилотлари, аудиторлик текширувни буюртмачиси, хўжалик юритувчи субъектлар ва молиявий ҳисобот бошқа фойдаланувчилар, шу жумладан тижорат банклари, молия тузилмалари ҳамда инвесторлар олдида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий ахбороти ҳақида нотўғри аудиторлик хулосаларини тузиши оқибатида уларга келтирилган зарар учун қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Сифатсиз ёки батафсил бўлмаган аудиторлик текшируви натижасида хўжалик юритувчи субъект ва (ёки) аудиторлик текшируви буюртмачисига келтирилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини олиб боради.

Аудиторлик ташкилотлари лиценция талаблари ва шартларига риоя қилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар уч йилда камида бир маротаба текшириб туради.

Аудиторлик ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўлиқ эркинлик берилди. Айниқса, савдо-сотиқда эркин муносабат юритиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун шерик танлай билиш, ўзининг маҳсулоти, кўрсатган хизмати ва уни сотишдан олган даромадга тўлиқ эгалик қилиш молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришига бевосита таъсир этади.

Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолати бу:

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;
- аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги бутун молия-хўжалик фаолияти омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлик натижасидир;
- аудиторлик ташкилотларининг барқарор фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;
- аудиторлик ташкилотларининг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий акс эттиришидир.

Аудиторлик ташкилотларининг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу аудиторлик ташкилоти билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман аудиторлик ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия, кредит, пул муомаласи ва бошқалар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари лозим.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, у ташкил қилиниши, бунинг учун эса бир қатор талабларга асосланиши керак. Бу талаблар қуйиагилардан иборат:

* абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни борлигини билиш;

* молиявий таҳлил мобайнида абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш;

* молиявий таҳлил мантиқий равишда амалга оширилиб, у индуктив усулга - алоҳида ҳодисалардан умумий ҳодисаларга қтиш, молиявий ҳолатнинг бир шакл кўринишидан умумий кўринишга қтиш ва дедуктив усулга - умумий ҳодисалардан алоҳида ҳодисаларга қтишга асосланиб таҳлил қилиш;

- ҳамма фойдаланилаётган кўрсаткичлар бир хил, асосланган усулда аниқланиши лозим;
- молиявий ҳолатни таҳлил қилиша таҳлил қилинаётган аудиторлик ташкилоти кўрсаткичларини бошқа аудиторлик ташкилотлари, ўртача кўрсаткичлари ва илғор аудиторлик ташкилотлари кўрсаткичлари билан таққослаш;
- молиявий таҳлилнинг ҳар томонлама бўлишлиги ва аудиторлик ташкилотларининг умумий молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш;
- молиявий таҳлилни самарали ўтказиш учун керакли маълумотларни олдиндан тайёрлаш ва бу борада асосий тасдиқланган молиявий манбалар билан чекланмасдан бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;
- молиявий таҳлил объектив равишда ташкил қилиниб, у аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолати реал даражасини ифодалаши лозим;
- молиявий таҳлил ўз вақтида ўтказилиб, таҳлил якунларига асосланиб, молиявий ҳолатни яхшилаш чораларини ўз вақтида амалга оширишга имкон бериш;
- молиявий таҳлил комплекс равишда ўтказилиб, унда молиявий ҳолатнинг ҳамма шакл ва йқналишлари ифодаланиши лозим;
- молиявий таҳлил ўз вақтида ва ҳаққоний бўлиб, у молиявий ҳолатни кўтаришга бағишланган тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга имкон бериши керак;
- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш шундай вақтда ўтказилиши керакки, таҳлил якунлари қуйидаги мақсадни амалга ошириб, аудиторлик

ташкилоти бошқарув фаолиятини такомиллаштириш имкониятини туғдириши лозим;

- молиявий таҳлил барча йиғилган ва умумлаштирилган маълумотларга асосланиб, керакли кўрсаткичлардан фойдаланиб, бу кўрсаткичларнинг асослилиги тўғри усулларда аниқланши лозим.

Молиявий таҳлил қуйидаги хусусиятларга эга:

- молиявий таҳлилнинг якунлари очиқ бўлиб, улардан ҳамма фойдаланиши мумкин;
- молиявий таҳлил ҳамма учун мосланган, нашр этилган ҳисобот маълумотларига асосланади;
- молиявий таҳлил аудиторлик ташкилотлари ички бошқарув муаммоларини ечиш учун ўтказилади;
- молиявий таҳлилнинг йқналиши молиявий ҳисобот маълумотлари билан чекланган бўлиб, унда чегаралганган бир аниқ вазифалар ечилади. Бу молиявий мустаҳкамлик, баланс ликвидлиги, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалардир.

Кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Аудиторлик ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун анъанавий, қадимдан қўлланилиб келинаётган усуллар билан бирга, кенг тарзда статистика усуллари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омилларарo корреляция алоқаларни аниқлаш, жадвал ва расм тизимидан фойдаланиш лозим.

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб ва муҳим бўлганлиги сабабли у бир қанча талабларга асосланган бўлиши лозим. Юқорида кўрилган талабларга асосланиб, молиявий таҳлил аудиторлик

ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни бажаришга йқналтирилиши керак:

1. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий даражасини баҳолаш;
2. Молиявий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаш;
3. Аудиторлик ташкилотларининг тўлов қобилиятига баҳо бериш;
4. Молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш;
5. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигига баҳо бериш;
6. Аудиторлик ташкилотлари баланси ликвидлигига баҳо бериш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
7. Айланма маблағлар айланишига баҳо бериш;
8. Аудиторлик ташкилотларида қўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифодалаб, бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд заҳираларни кўрсатиб бериш.
9. Аудиторлик ташкилотларида ҳали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадида тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш.

Бажариладиган вазифалар шуни кўрсатаяптики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш аудиторлик ташкилотларида шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Молиявий таҳлил бошланмасдан таҳлилнинг объектлари ва предметлари аниқланиши лозим.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ўрганишда бухгалтерия ҳисоботи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Улар молиявий маълумотларнинг умумлаштирилиши натижасида тузилади ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлади.

1-расм. Горизонтал ва вертикал таҳлилнинг мазмуни[4].

Ҳисобот маълумотлари асосида аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ўрганишга қизиқувчиларни шартли равишда бевосита ва билвосита талабгорларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мулк эгалари, қарз берувчи, мол етказиб берувчи, харидорлар, солиқчилар, молиячилар, аудиторлик ташкилотлари раҳбар ходимлари киради. Ҳар бир қизиқувчи ўзининг манфаати ва талабига қараб молиявий ҳисоботларни таҳлил этади. Мулк эгаси сармоядан қанчалик самарали фойдаланилаётганлиги, қўшма олинадиган даромад суммаси билан қизиқса, қарз берувчи берилган маблағни қайтариб олиш имкониятини олдиндан билишга харакат қилади. Билвосита қизиқувчи истеъмолчиларга аудиторлик фирмалари, биржалар, ассоциация вакиллари, матбуот ходимлари, касаба уюшмалари ва бошқалар киради. Улар молиявий ҳолатга алоқадор бўлмасада, биринчи гуруҳ талабгорларининг манфатини ҳимоялаш мақсадида ҳисобот маълумотларини ўрганадилар.

Бозор иқтисоди шароитида жадвал, жамоа, қўшма, кичик ҳиссадорлик, ҳусусий ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган аудиторлик ташкилотлари молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, ҳусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш,

[4] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

молиявий тартиб ва интизомга, барча бўғинларда иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан - баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Барқарорлик бўлган жойда барча хўжалик муомалалари ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида бажарилади. Шу боис бозор шароитида ҳар қандай аудиторлик ташкилотининг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- аудиторлик ташкилотларининг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;

- маблағ ва манбаларнинг жойланишини текшириш, уларни тўғри йқналишда ишлатилганлигини аниқлаш;

- ҳисоблашиш ишларининг ўз муддатида бажарилганлиги, дебитор ва кредиторлик қарзлари таркибини ўрганиш;

- аудиторлик ташкилотларининг ўзига қарашли маблағлари билан қарз маблағлари ўртасидаги нисбат ва айланма маблағларни манба билан таъминланганлигини текшириш;

- молиявий интизомга қанчалик амал қилишни аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;

- аудиторлик ташкилотлари мулкининг кадрлиги ва тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш;

- айланма маблағлардан фойдаланишга баҳо бериш ва аудиторлик ташкилотларининг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар баён этиш ва ҳ.к.

Таҳлилнинг асосий мақсади – аудиторлик ташкилоти молиявий фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу аудиторлик ташкилоти ҳаражатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Молиявий

таҳлилни бажаришда зарур бўладиган манбаларга аудиторлик ташкилотлари баланси, унга қилинган иловалар ва бошқа ҳисобот маълумотлари киради. Шунингдек, бухгалтериянинг синтетик ва аналитик счетлари маълумотларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Чунки кейинги йилларда тузиладиган ҳисоботларнинг ҳажми қисқариб, таҳлил имкониятларини чегаралашга олиб келмоқда.

Айниқса аудиторлик ташкилоти хизматлари, заҳира жамғармаси, фойда ва зарарлар, турли хил ҳисоб-китоблардан кўпроқ фойдаланилади. Булар молия-хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатади.

I боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг 1-бобида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашнинг назарий асослари атрофлича ёритилган. Хусусан, мазкур бобда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги, аудиторлик ташкилотлари фаолияти ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари, аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари кенг ёритилган.

Маълумки, аудиторлик ташкилотларининг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу аудиторлик ташкилоти билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман аудиторлик ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар ташкил этади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади.

II БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

2.1. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган усуллар

Янгича иш юритиш аввал учрамаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш аудиторлик ташкилотларининг молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаган ресурсларни аниқлаб, аудиторлик ташкилотларининг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Республикамиз иқтисодиётини бозор муносабатларига Ўтказиш билан аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини таҳлил қилишни аҳамияти янада ортади, чунки бозор муносабатлари шароитида ишлвб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш энг долзарб муаммога айланади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш шунга олиб келадики, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини молиявий натижалари - фойда ва рентабеллик улар фаолиятини асосий кўрсаткичларига айланади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ҳаддан ташқари марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик, расмиятчилик, режалаштириш ва бошқариш тизимидан воз кечиш бозор муносабатларидан кенг фрйдаланиш, аудиторлик

ташкилотларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиради, уларнинг молиявий ҳолатига эътиборни оширади.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йқналишларидан бири - бу бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Бу масалани ижобий ҳал этишда аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш катта рол қйнайди. Чунки аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини таҳлил қилиш бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари даврида бу шартнинг асосий қисми бўлиб молиявий ҳолат таҳлили ҳисобланади. Республикада янги молиявий ҳисобот шакллари қабул қилинди, уларни ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш услуьларини барпо этиш катта аҳамиятга эга.

Бозор муносабатлари даврида республикада бу масалани ечиш мақсадида молиявий таҳлил услубиятини такомиллаштириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин бу борада ҳали ечилмаган муаммолар ҳам кам эмас. Молиявий таҳлилнинг Ўтказишдан манфаатдор ташкилотлар, органлар, мутахассислар ҳали ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан асосланган услуб билан таъминланган эмаслар. Бу ҳолат, албатта бозор муносабатларини шакллантириш даврида корхона ва ташкилотларга самарали бошқарувчилик қилишда салбий рол қйнамоқда.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган тахлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тахлил қилишда асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолинмоқда[5]. Бу, бизнинг фикримизча, аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини тўлиқ тахлил қилиш учун назарий ва услубий жихатдан етарли эмас. Чунки аудиторлик ташкилотларининг фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

---

[5] Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва тахлил қилиш йўллари. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси уйи,“ 1999. Волжин И.О., Ергашбаев В.В. Молиявий тахлил. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998. Хасанов Н., Нажбитддинов С. Корхона молиявий холатини бахолаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси " нашриёт уйи, 1999. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия –Минск: ИП "Экоперспектива",1997

Аудиторлик ташкилотларининг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу аудиторлик ташкилотлари билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия, кредит, пул муомаласи ва бошғалар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари лозим.

Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, яъни молиявий таҳлил - бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усулларидан фойдаланиб уларнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий ҳусусиятлари комплекс ва системалашганлиги яққол кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради.

Таҳлил усулларини қўллаш ўрганилаётган жараёнларни бир-бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аксарият етук иқтисодчи олимларимиз таҳлилнинг усулларини иқтисодий адабиётларида шартли равишда икки гуруҳга ажратиб кўрсатишмоқда. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг усулларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Оддий-анъанавий (одатдаги) усуллар гуруҳи;
2. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳи.

Оддий-анъанавий (одатдаги) усуллар гуруҳига иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан буён қўлланилиб, анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келаётган усуллар киритилади. Улар таркибига мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули, таққослаш усули, гуруҳлаштириш усули, балансли боғланиш усули, занжирли боғланиш усули, индекс усули, фоизлар фарқ усули ва ҳакозо усулларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий-математик усуллари иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарда ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда бошқарув ҳодимларига узатиш ишлари бошланганда қўлланилади. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳига одатда, корреляцион ва реграцион таҳлил усули, назарий ўйин (назарий хизмат кўрсатиш) усули, иқтисодий ташҳис ққйиш усули, интеграл усули, функционал қийматли таҳлил усули, чизиқли программалаштириш усули, графикли усул, эврестик таҳлил усули ва ҳакозо усулларни киритишимиз мумкин бўлади. Иқтисодий математик усулларни бугунги кундаги айрим иқтисодий адабиётларда омилли таҳлил усуллари ҳам деб номланмоқда. Чунки, мазкур усуллар орқали маълум бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнга таъсир этувчи бир нечта омилларнинг таъсирини аниқ миқдорларда аниқлаш имконияти мавжудлигидадир.

Ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар энг аввало бошланғич ҳужжатларда акс эттирилади. Бу бошланғич хужжатлардаги маълумотларни таҳлил қилиш учун, улар маълум тартибга солиниши “аналитик группалаштириш” зарур. Аналитик группалаштириш - бу йиғма-умумий маълумотлардан алоҳида муҳим белгилари ва ҳусусиятлари буйича гуруҳларга ажратишдир.

Гуруҳлаштириш усули – иқтисодий изланишларда бир таркибли, кўплаб кўрсаткичларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини тавсифлашдаги муҳим усул сифатида қўлланилади. Маълумотлар ўзининг гуруҳлаш белгиси бўйича турлича таркибланган ҳолда ўрганилади. Бу эса кўрсаткичларнинг ўзаро бир-бирига нисбатан қиёсий ўзгаришларини, уларнинг сабабларини аниқлаш, баҳолаш имконини беради. Шунингдек,

гуруҳлаш усули молиявий ва бошқарув таҳлили учун зарур бўлган маълумотларни қайта ишлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Гуруҳлаш ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичлар таркибидаги илғор аудиторлик ташкилотларига тегишли бўлган маълумотларни оммалаштириш ҳам мумкин.

Аналитик гуруҳларни ўзининг бажарадиган мақсади ва мазмунига қараб: типологик, таркибий ва омилли гуруҳларга ажратиш тушунилади. Бундай гуруҳлар тузишга аудиторлик ташкилотларида барча ходимларни категорияларга ажратилишини мисол қилиш мумкин. Шу билан бирга кейинчалик ҳар бир турдаги категориядаги ходимларни ўз ичига яна майда гуруҳчалар тузилиши мумкин. Масалан: ишчилар категориясини ҳисоб коди бўйича яна бўлакларга бўлиш мумкин.

Таркибий гуруҳлаштириш - умумий йирик белгилар бўйича тузилган группалар ичидан айрим қонуниятлар ва белгиларни ўрганишга мўлжалланади. Масалан: умумий ишчилар сонини малакаси, маълумоти, иш (тартиби) тажрибаси, ёши, жинси ва бошқа белгилари бўйича ўрганиш.

Омилли гуруҳлаштириш - ўрганиладиган ҳодиса ва қонуниятларнинг ўзгариш сабаб-оқибатларига таъсир қилувчи омиллар бўйича гуруҳларга ажратишга мўлжалланади. Бундай гуруҳларга ходимларнинг ойлик маошини ўзгаришини ва уларнинг иш стажига боғлиқлигига қараб гуруҳлар тузишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу юқорида келтирилган гуруҳлаштиришнинг барча турлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланилади. Ҳозирги тузулаётган ҳисобот формаларида келтирилган маълумотлар ҳам маълум белгилари ва хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратилган ҳолда келтирилмоқда, меҳнат кўрсаткичларни ходимлар категориялари бўйича келтирилиши, уларга сарфланган меҳнат ҳақи сарфланган харажат турлари бўйича маълумотлар ҳам маълум тарзда гуруҳлаштирилиб келтирилган. Ҳисоботлардаги маълумотларнинг гуруҳлаштирилиб келтирилганлиги иқтисодий таҳлилни бажаришни онсонлаштиради.

Бошқарув ишларни ққйи звенодан юқорига қараб катталашуви билан гуруҳлаштириш усулининг аҳамияти ва мазмуни қса боради. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда гуруҳлаштириш қўлланилса маълум талаб ва қонуниятларга амал қилинади. Масалан: типологик гуруҳлар тузганда иқтисодий асосланган, таҳлилда аниқ қонуниятлар кўринадиган гуруҳ тузумига интилиш лозим.

Балансли боғланиш усули - кўрсаткичлар орасидаги функционал боғланишлар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу кўпроқ бухгалтерия ҳисоби, статистика ва режалаштиришда қўлланилади. Ушбу усул асосида моддий ва меҳнат ресурслари, пул маблағлари кирими ва чиқими, даромад ва харажатларини (махсус балансла ва уларнинг маълумотларини ўрганиш асосида) таҳлил этиш мумкин. Балансли боғланиш усули кўпроқ аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолати, мулки, мажбурияти ва капиталини ўрганишда қўлланилади.

Иқтисодий таҳлил қилишда кўпгина кўрсаткичлар бир-бири билан функционал боғлиқликда ўрганилади. Бир ўрганиладиган маълумотнинг ўзгариши иккинчи кўрсаткич билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Демак, балансли боғланиш усулини қўллаб аудиторлик ташкилотларининг пул даромадларини тўлов мажбуриятларига етарли ва етмаслигини таҳлил қилиш мумкин экан. Баланс усулини молиявий ва бошқарув таҳлилида қўллаш ўрганиладиган кўрсаткичларнинг бир-бири билан функционал боғлиқлиги яқин бўлгандагина ижобий ва тўғри натижалар келтиради.

Мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули - кўпроқ статистика фанида кенг қўлланилиб, таҳлилда кўпгина ўрганиладиган кўрсаткичларни қсиш ва ўзгаришини ҳисоблашда ишлатилади. Мутлоқ ўзгариш таҳлилда ҳар бир ўрганиладиган маълумотларни аввалги даврларга нисбатан фарқларини кўрсатса, нисбий кўрсаткичлар эса фоиз, коэффициент, индексда ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ўрганиш тартиблари статистика фанида ёритилади. Молиявий ва бошқарув таҳлилида мутлоқ ва

нисбий кўрсаткичларини қўлланилиши меҳнат ҳақи фондини сарфланишида ўрганишда айниқса кўпроқ ишлатилади.

Занжирли боғланиш усули алоҳида омилларнинг умумий кўрсаткичга таъсир даражасини аниқлашда қўлланилади. Иқтисодий таҳлилнинг бу усули шу пайтда қўлланиладики, қачонки ўрганилаётган кўрсаткичлар орасидаги боғланиш функционал характерга, яъни тўғридан-тўғри ва такрорий алоқадорликка эга бўлса. Бунда ҳар бир таъсир этувчи омилнинг ўрганилаётган умумий кўрсаткичга таъсирини топиш услубий кетма-кетликка эга. Омиллар таъсирини аниқлашдаги услубий кетма-кетлик, қараб чиқилаётган кўрсаткичларнитаҳлил этишда тўғри қринлашдан ва у ёки бу омилнинг таъсир даражасини топишда режа (ёки ўтган йил) кўрсаткичларини ҳақиқий (жорий давр) кўрсаткичлар билан навбатли алмаштиришни тўғри белгилашдан иборат. Ккрсаткичларни тўғри қринлаш ёки қаторлашда уларнинг миқдор ва сифат жиҳатларига аҳамият берилади. Яъни, аналитик жадваллар тузишда дастлаб миқдор кўрсаткичлар, скнгра сифат кўрсаткичлар ўрганилади.

Базис (ўтган йил)кўрсаткичларини ҳақиқий (жорий давр) кўрсаткичлари билан навбатли алмаштиришдаги услубий кетма-кетлик ҳам юқоридаги белгилашга асосланади. Яъни, дастлабки ҳисоб-китоб бўйича барча кўрсаткичлар базис (ажасида олинади. Ҳисоб-китобнинг ҳар қайси кейинги қатори бўйича таъсир этувчи бирлик янгиланади. Охирги ҳисоб-китоб қатори бўйича барча кўрсаткичлар ҳақиқатда (жорий давр бўйича) олинади. Оралиқ ҳар бир ўзгариш умумий ўзгарувчига таъсир этувчи омилнинг таъсир даражасини ифодалайди. Бунинг учун шартли аниқланган кўзидан олдинги кўрсаткичдан фарқланади ва уларнинг қиймат ифодаси топилади.

2.2. Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш

Янгича иш юритиш шароитида аудиторлик ташкилотлари мулкининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўлларини аниқлаш хўжалик

фаолиятининг таҳлилида муҳим крин тутади. Айниқса балансга қараб аудиторлик ташкилотлари мол–мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Одатда, маблағларга асосан воситалар ва оборотдан ташқари активлар ҳамда материал (меъёрлаштирилган) айланма пул маблағлари киради.

Молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири аудиторлик ташкилотлари мулки, айланма маблағларини ҳар томонлама ўрганишдир.

Қуйидаги жадвалда аудиторлик ташкилотлари мулкининг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрганилади. Келтирилган маълумотлар балансининг жами суммасига тенг бўлади.

3-жадвал

«Одил аудит» аудиторлик ташкилоти бухгалтерия баланси активининг таҳлили[5]

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	минг сўм	%	минг сўм	%	сўмда	Йил бошига нисбат	%
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8
1. Узоқ муддатли активлар	18031	7,8	134969	33,2	116938	748,5	25,4
2. Оборот активлар	213172	92,2	271621	66,8	58449	127,4	-25,4
Шу жумладан: А) Захира ва харажатлар	140844	60,9	21924	5,4	-118920	15,6	-55,5
Б) Пул маблағлари ва қийматли қарзлар	72328	31,3	249697	61,4	177369	345,2	30,1
В) Дебиторлар	18031	7,8	134969	33,2	116938	748,5	25,4
Баланс активининг ЖАМИ	231203	100	406590	100	175387	175,9	х

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Одил аудит» аудиторлик ташкилотида 2014 йил охирига келиб жами активлар қиймати 406590 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан +175387 минг сўмга кўпдир.

[5] Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Аудиторлик ташкилоти активлари таркибида оборот активлари муҳим салмоққа эга бўлган. Хусусан, йил бошига оборот активлари қиймати 213172 минг сўмни ёки жами активларнинг 92,2 %ини, йил охирига келиб 271621 минг сўмни ёки жами активларнинг 66,8 %ини ташкил қилган.

Аудиторлик ташкилотининг узоқ муддатли активлари эса йил охирида йил бошига нисбатан +116938 минг сўмга ёки 748,5 %га ошган. Оборот активлари ҳам шу давр ичида +58449 минг сўмга ёки 127,4 %га ошган. Аммо салмоқ жиҳатдан қарайдиган бўлсак, узоқ муддатли активларнинг жами активлардаги улуши бироз бўлсада, яъни +25,4 %га ошган.

Баланснинг пассив қисмида аудиторлик ташкилотлари маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тўлдириш қуйидагилардан иборат:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.

2. Мажбуриятлар.

Бунда энг муҳим ўринни аудиторлик ташкилотларининг ўзига қарашли устав қўшилган, резерв, капиталлар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал аудиторлик ташкилотлари ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. У турли хўжалик муомалалари таъсирида ўзгариб туради. бунга фойданинг тақсимланиши ҳисобига тўлдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида қринни эгаллайди.

Кредит ва бошқа маблағларга қисқа, ўрта, узоқ муддатга мўлжаллаб олинган кредитлар, ўз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблағлари киради. Шунингдек кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар ҳам шу ерда инобатга олинади. Бунда кредиторлик қарзлардан ташқари бюджетга, суғурта ва меҳнат ҳақи юзасидан аудиторлик ташкилотларининг қарзлари кўрсатади.

Бозор иқтисоди қонуниятлари ва талабидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотида қарз кам бўлгани маъқул. 5-жадвалда аудиторлик ташкилоти маблағларининг манбалари кўрсатилган.

4-жадвал

«Одил аудит» аудиторлик ташкилоти бухгалтерия баланси пассивининг таҳлили[6]

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	минг сўм	%	минг сўм	%	сўмда	Йил боши. нисбат	%
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8
1. Ўзлик маблағларнинг манбалари	217193	93,9	320579	78,8	103386	147,6	-15,1
2. Мажбуриятлар Шундан:	14010	6,1	86011	21,2	72001	613,9	15,1
а) узоқ муддатли кредит ва қарзлар							
б) қисқа муддатли кредит ва қарзлар							
в) кредиторлик қарзлар	14010	6,1	86011	21,2	72001	613,9	15,1
Пассив жами:	231203	100	406590	100	175387	175,9	х

Таҳлил қилинаётган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Одил аудит» аудиторлик ташкилотининг барча маблағлар манбалари 2014 йил охирида йил бошига нисбатан +175387 минг сўмга ёки 175,9 %га ошган. Барча манбалар таркибида ўзлик маблағларининг манбалари йил бошида 217193 минг сўмни, йил охирида эса 320579 минг сўмни ташкил қилган.

Мажбуриятларнинг жами манбалардаги улуши паст бўлиб, уларнинг йил бошидаги улуши 6,1 %га, йил охирида эса 21,2%га тенг бўлган.

[6] Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Жами мажбуриятларнингбарчаси кредиторлик қарзларга тўғри келган.

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида баланс маълумотлари асосида аудиторлик ташкилотлари активларининг ҳолатини ўрганишда уларнинг пулга айланувчанлигига баҳо бериш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай таҳлилнинг зарурияти бозор иқтисодиёти шароитида аудиторлик ташкилотларида қаттиқ молиявий чекланишларнинг пайдо бўлиши ва олинган қарзларни қайтариш имкониятларини ўз вақтида ҳисоблаб баҳо беришда кўринади. Айниқса, тўлов мажбуриятларининг муддати аудиторлик ташкилотлари мулки фаолият натижасида пулга айланиш муддатига мос келиши молиявий ҳолатни яхшиланишига таъсир кўрсатади. Шу боис аудиторлик ташкилотлари активларининг ҳаракатчанлигини таҳлил қилган ҳолда қарзларни қайтаришга етарли ёки етишмаслиги мунтазам ўрганилиши лозим.

Ликвидлик деганда, аввало, маблағларнинг жойланиши, уларнинг пулга айланиш даражаси, яқин ва узоқ даврийликдаги тўлов мажбуриятларининг оқланиши, жорий активлар ва пассивларнинг ўзаро фарқланишидаги зарурий шартларнинг сақланишига айтилади.

Баланс ликвидлиги бу – баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб нақд пулга айланадиган маблағлар билан шу даврда қайтариладиган мажбуриятларни солиштириш демакдир.

Пулга айланиш тезлигига қараб, *аудиторлик ташкилотлари* ***активлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:***

1. Доимий харакатдаги активлар.
2. Тез сотилувчи активлар.
3. Секин сотилувчи активлар.
4. Қийин сотилувчи активлар.

Доимий ҳаракатдаги активлар гуруҳига балансдаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қуйилмалар, яъни қимматли қоғозлари киради. Бундай активлар доимо қарз мажбуриятларни тўлаш учун тайёр турган маблағ ҳисобланади ва пул маблаги кўп бўлган корхоналар

билан иқтисодий алоқаларни ўзаро ҳисоб-китобларни келишилган муддатларда бажариш имконини беради.

Тез сотилувчи мулкларга баланснинг II бўлим активидаги дебитор қарзлар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу маблағлар ҳам зурур бўлган ҳолларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Секин сотилувчи активларга баланснинг «Товар-моддий заҳиралари» жами тушунилиб, нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда тўлов мажбуриятларни қоплашга сарфланиши мумкин. Қийин сотилувчи гуруҳларга эса «Асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар» киради. Бу мулк турли ишлаб чиқаришда узоқ муддат қатнашиб, ўз қийматини аста-секин яратилаётган маҳсулотларга Ўтказиб беради. Шунинг учун ҳам асосий воситаларнинг пулга айланиб, тўлов воситаси ва мажбуриятларни узишга манба бўлиши кўп вақтни талаб этади.

Аудиторлик ташкилотлари активлари, албатта, ўз ва қарз капитали ҳисобига манбаланганлиги боис унинг пассив томони ҳам тўлов мажбуриятларининг муддати ва шартидан келиб чиққан ҳолда таркибий ўрганишни талаб этади. ***Шу маънода ликвидлик шарти бўйича пассивлар қуйидаги моддалар бўйича туркумлаб чиқилади***:

1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари;
2. Қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари;
3. Узоқ муддатли тўлов мажбуриятлари;
4. Доимий пассивлар.

Баланснинг биринчи гуруҳ тўлов мажбуриятларига баланснинг II бўлим пассивидаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз вақтида қайтарилмаган ссудалар киради. Қисқа муддатли пассивлар гурухига эса II бўлим пассивдаги қолган бандлар, яъни банкнинг қисқа муддатли кредитлари, аудиторлик ташкилотлари хизматчилари учун банк кредитлари, қисқа муддатли қарзлар келгуси давр харажатлари ва тўловлар заҳираси, даргумон қарзлар бўйича заҳиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар киради. Ўрта ва узоқ муддатли пассив дейилганда узоқ муддатли банк

кредитлари ва узоқ муддатли қарз бандлари тушунилади. Доимий пассивлар гурухига эса I бўлим пассивидаги барча бандлар, яъни устав фонди, захира жамғармаси, махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, мақсадли молиялаштириш ва тушумлар, ижара мажбуриятлари, таъсисчилар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, ўтган ва ҳисобот йилдаги тақсимланган фойда киради.

Маблағларнинг айланиш ҳолатини таҳлил қилишда жорий ва келгуси даврда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичларини ўрганиш зарур. Маблағларнинг жорий ҳаракатчанлиги доимий ва тез сотилувчи активлар билан муддати етган тўлов мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивларни таққослаш орқали аниқланади. Келажакда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичи эса секин сотилувчи активлар билан ўрта ва узоқ муддатли пассивларни солиштириш орқали ўрганилади. Бунда аудиторлик ташкилотларининг келгусида мулжалланган ҳар хил тушумлар билан келажак тўловларини олдиндан башорат қилиш мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари балансининг ликвидлилик даражасига ҳар хил омиллар, аудиторлик ташкилотлари активларининг, пассивларининг таркибий ўзгариб туришлари таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг таъсирини билиш учун баланс ликвидлигини таҳлил қилишда яна бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилар:

1. ***Умумий капиталнинг чаққонлик коэффициенти***. Бу коэффициент аудиторлик ташкилотларининг умумий айланма активларини унинг мол-мулки қийматига бўлиш йқли билан аниқланиб, у аудиторлик ташкилотларининг умуман маблағлар билан таъминланганлигини ва ўз мажбуриятларидан қутулиш салоҳиятини кўрсатади. Бу қуйидагича аниқланади:

Товар-моддий заҳиралар + пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари

Баланс жами

2. ***Ишлаб турган капиталнинг чаққонлик коэффициенти***. Бу коэффициент аудиторлик ташкилотларининг заҳиралари ва харажатларини, аудиторлик ташкилотларининг заҳира ва харажатларга бўлган эҳтиёжини қопловчи ўзлик маблағлар манбаларига бўлиш билан аниқланади. Бу қуйидаги тартибда бўлади:

Товар-моддий заҳиралар

Ўз маблағларининг манбалари – Узоқ муддатли активлар

3. ***Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти.*** Бу қуйидагича аниқланади:

Ўз маблағлари манбалари - Узоқ муддатли активлар

Баланс жами

Аудиторлик ташкилотида узоқ муддатли қарз ва кредитлар мавжуд эмас. Шу боисдан секин сотилувчи активларнинг узоқ муддатли пассивларни қоплашдаги устунлиги мутлақдир.

Қуйидаги шартларга амал қилинса, аудиторлик ташкилотлари маблағи харакатчан деб баҳоланади:

а) доимий харакатдаги активлар > муддати келган тўлов мажбуриятлар;

б) тез сотилувчи активлар > қисқа муддатли пассивлар;

в) секин сотилувчи активлар > ўрта ва узоқ муддатли пассивлар;

г) қийин сотилувчи активлар < доимий пассивлар

Бозор иқтисодиёти шароитида аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг молиявий ҳолатни умумий баҳолаш босқичидан кейинги энг асосий босқич бўлиб – аудиторлик ташкилотининг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда аудиторлик ташкилотининг айланма маблағларини қоплашга

аудиторлик ташкилотининг ўз маблағларини етарли ёки етишмаслиги ҳам ўрганилади.

Баланс маълумотларига қараб аудиторлик ташкилотини айланма маблағлари қандай манбалар ҳисобига ташкил этилганлиги ўрганилади. Бундай таҳлилнинг зарурлиги шундаки, аудиторлик ташкилотларини молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лайёқатлилигини аниқлашда ўзлик манбалар билан таъминланганлик кўрсаткич муҳим аҳамиятга эгадир.

Тқлов қобилияти дейилганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларни бажариш учун зурур бўлган маблағларни етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида аудиторлик ташкилотларининг тўлов қобилиятига эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди. Аудиторлик ташкилоти баланси маълумотларга асосланиб, тўлов қобилиятининг қай аҳволдаги ҳисобланади. Бунинг учун аудиторлик ташкилотининг тўлаш учун зарур бўлган маблағлари билан қарз мажбуриятларини солиштириш мумкин.

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жқнатилган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдаги тушум ва бошқалар киради. шунингдек қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларни амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин. Қийматли қоғоз, акция, облигация сотишдан олинган маблағ ва қўшимча аудиторлик ташкилотларида қатнашишдан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши керак. Тқлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳанат ҳақи, турли хил кредиторларга бўлган ва бошқа турдаги қарзлар киради. Аудиторлик ташкилотининг маълум бир кундаги тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар солиштирилади.

5-жадвал

«Одил аудит» аудиторлик ташкилотининг тўлов қобилиятининг таҳлили[7]

Тўлаш учун маблағлар	Сатр рақами	Йил охирига	Тўлов қарзлари	Сатр рақами	Йил охирига
1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**
1. Пул маблағлари	170	249697	1. МЕБ га қарзлар	470	
2. Валюта маблағлари	180	-	2. Бюджет бўйича қарзлар	480	138
3. Қисқа муддатли қўйилмалар	200	-	3. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	490	1275
4. Дебиторлар	220-290	134969	4. Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	450	4700
5. Захира ва харажатлар	140	21924	5. Бошқа қарз ва кредитлар	-	79898
Жами тўлаш учун маблағлар	-	406590	Жами тўлов қарзлари	-	86011
Қарз тўлов мажбу-риятларнинг кўплиги	-		Тўлов маблағларнинг кўплиги	-	320579
Баланс	**-**	**406590**	**Баланс**	**-**	**406590**

Жадвал маълумотларга кўра, «Одил аудит» аудиторлик ташкилотида тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган жами маблағлари 406590 минг сўмни ташкил этган. Қайтариши керак бўлган мажбуриятлар 86011 минг сўмни ташкил қилган. Аудиторлик ташкилотида маблағларнинг ортиқчалиги 320579 минг сўмни ташкил этган.

Жами тўлов манбалари ичида дебиторлик қарзлари муҳим салмоққа эга бўлган. Шу боисдан аудиторлик ташкилоти тўлов маблағларида муҳим салмоққа эга бўлган дебиторлик қарзларини тезда ундириб олишга ҳаракат қилиши лозим.

Жами тўлов қарзлари таркибида эса бюджетга қарзлар муҳим ўрин тутган. Аудиторлик ташкилотида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқли ва солиқсиз тўловларни ўз вақтида тўлаши лозим. Акс ҳолда бу аудиторлик ташкилотларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотларининг тўлов лаёқатини баҳолашда одатда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

[7] Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

- Мутлоқ тўлов лаёқати коэффициенти;
- Оралиқ тўлов лаёқати коэффициенти;
- Жорий тўлов лаёқати коэффициенти.

Мутлоқ тўлов лаёқати кўрсаткичи аудиторлик ташкилотларининг жорий активларида ҳаракатчан активларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашига етарлилиги ёки етишмаслилигини; оралиқ тўлов лаёқати кўрсаткичи жорий активларда ҳаракатчан ва тез пулга айланадиган активларни тўлов мажбуриятларини қоплашга етарлилиги ёки етишмаслилигини; жорий тўлов лаёқати кўрсаткичи эса жорий активларда барча айланма активларнинг тўлов мажбуриятларини тўлашга етарлилиги ёки етишмаслилигини тасифлайди.

Аудиторлик ташкилотларининг тўлов лаёқатига баҳо беришда муқобиллик вариантларини ҳам қўллаш лозим бўлади. Янги очилган ва ҳали фаолият бошламаган аудиторлик ташкилотларига кредит бериш юзасидан қарор қабул қилишда, унинг бизнес режа кўрсаткичлари ва у бўйича аниқланган тўловга қодирликнинг эҳтимоллигига, аудиторлик ташкилотларига мақсадли, марказлашган кредит ресурсларининг туширилишига, техник лойиҳалар асосида кредит ажратилиши ва ҳакозоларга аҳамият берилиши муҳимдир.

Аудиторлик ташкилотларининг мавжуд пул маблағлари доим тўлов мажбуриятларини қайтаришга тайёр бўлган манба бўлганлиги учун ҳамда қимматли қоғозлар ҳам шу мақсадга ишлатилиши мумкинлигини ҳисобга олиниб, тўлов қобилиятини белгиловчи коэффициент ҳисобланилади. Шунингдек, турли айланма маблағларнинг пул шаклларига қтиш муддати ҳар хиллигини эътиборга олинганда, тайёр маҳсулот заҳиралари тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлар ва ярим фабрикатларнинг пулга айлантириш тезлигини ўрганиш зурур. Бундан ташқари тўлов қобилиятининг ўзгаришида дебиторлик қарзларининг пулга айланиш тезлиги, банкдаги тўлов ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштирилиши ва уларнинг тез ҳаракат қилишига боғлиқдир. Агарда дебитор маблағларни қарз

мажбуриятларини узишга йўналтирилса, оралиқ тўлов қарзларини қоплашлик коэффиициенти кўрсаткичи ҳисобланади.

Демак, аудиторлик ташкилотлари қисқа муддатли тўлов мажбуриятларини қоплашга ўзининг барча айланма маблағларини, яъни, заҳиралар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активларини жалб этиши лозим бўлади.

Келгуси йилда аудиторлик ташкилотларининг тўлов қобилиятида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни билиш учун маҳсулотлар сотишдан келадиган тушум ҳажмини таҳлил қилиш лозим. Жами тушум ҳисобига сарфланган харажатлар қопланади, мажбурий тўловлар бажарилади ва эҳтиёт ривожлантириш жамғармалари яратилади. Соф тушум бевосита аудиторлик ташкилотлари оборотида қатнашади, бунга асосий восита эскириши ва соф фойда киради.

Аудиторлик ташкилотларининг тўлов қобилиятини таҳлил қилишда соф тушум коэффициентини ҳисоблаш муҳимдир, бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

Соф фойда + асосий воситалар эскириши (амортизация)

сотишдан тушум

Ҳиссадорлик, кооператив, кичик ва ҳамкорликда ишлайдиган аудиторлик ташкилотларида ўзига қарашли мол-мулкни кўпайтириш аҳамиятли. Айниқса, ҳиссадорлик ва бошқа жамғармаларни тўлдириб бориш зурурдир. Бу ҳиссадорлар, устав фонди қатнашчилари ва аъзоларнинг бадаллари ҳисобига тўлдирилади. Шунинг учун ҳам аъзоларнинг келишувига мувофиқ, қонун билан белгиланган устав фондининг ҳажми камайтирилмаслиги ва у тўлдириб борилиши зарур. Аудиторлик ташкилотлари балансини ўрганишда албатта Низом жамғармасининг ўтган

йилга нисбатан ўзгариш сабаблари таҳлил қилинади. Демак, устав фондининг кўпайиши ҳам молиявий барқарорлик яхшиланганлиги белгиси ҳисобланади.

- Айланма маблағлар айланувчанлиги деганда уларнинг пулга айланиш тезлиги тушунилади. Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициенти жорий активларнинг моддий активлар ва дебиторлик қарзларига бўлган нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткичлар бевосита аудиторлик ташкилотларининг бозордаги фаоллигини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосда бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қлинади ва унинг муҳим йқналишлари белгиланади.

Молиявий таҳлилнинг муҳим қисми айланма маблағлардан самарали фойдаланганликни ўрганиш эгаллайди, бунда, айланма маблағлар айниқса ишлшаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, дебиторлик қарзлари, пул ва валюта маблағлари, қимматли қоғозлар харакатини ўрганиш муҳимдир.

Айланма активларнинг айланиши ва уларнинг самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши;
- моддий айланма маблағларининг ўртача йиллик қийматини ўзгариши ва ҳакозо.

Айланма маблағларнинг айланишини таҳлил қилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан

соф тушум

а) айланиш коэффициенти = ----------

товар-моддий захиралари

товар-моддий заҳиралари * ҳисобот давр куни

(360)

б) айланиш куни = ----------

маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан

соф тушум

товар-моддий заҳиралари

в) айланиш салмоғи коэффициенти = ----------

маҳсулот (иш,хизмат) лар
сотишдан соф тушум

Бу коэффициентлардан ташқари айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир ёки минг сқмлик заҳира ва харажатлар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, соф тушум ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилади.

Тахлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва тахлил қилиш ҳам мухим аҳамиятга эга. Иқтисодий адабиётларда эътироф этилиши бўйича, ушбу муаммонинг хал қилинишида олимлар бир тўхтамга келишган. Ҳаммада бир хил фикр, яъни айланма маблағларни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда.

Аммо қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни таснифлаш бўйича олимлар ўртасида бир фикрга келинган эмас. Ҳатто айрим нуфузли дарсликларда[9] алохида айланма маблағлар тахлили кўрсатилмаган. Фақат унинг айрим қисмларигина "Корхона активлари тахлили" да қисқагина қараб чиқилган. Бундай ёндошув аудиторлик ташкилоти эгасини иқтисодий салоҳияти самарадорлигини назорат қилиш имкониятидан махрум қилади. Бу эса бозор муносабатлари шароитида кутилмаган хавф-хатар ва банкротлик вазиятларини туғдириши мумкин.

[9] Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. -Минск: ИП "Экоперспектива", 1997, 438-бет.

Айрим олимлар айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни учга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Масалан, "Молиявий тахлил"[10] китобида айланма маблағларни баҳоловчи кўрсаткичларни унинг холатини, харакатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлади. Аммо ушбу асарда кўрсаткичлар тизимининг аниқ таснифи берилмаган. Унинг устига айланма маблағларнинг харакатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан аралашиб кетган.

Агар ушбу ёндашувга назарий жихатдан қарайдиган бўлсак, айланма маблағларнинг мохияти унинг ҳаракатдалигида. Аммо ҳаракати эса унинг самарадорлигида ифодаланади. Шу туфайли бундай ёндашув назарий жихатдан чуқур тадқиқотни талаб қилса, амалий жихатдан ноаниқликларни туғдиради.

Охирги пайтларда чоп қилинган, бевосита корхонанинг молиявий холатини баҳолашга қаратилган китобда[11] ҳам ушбу масала назардан четда қолган. Айланма маблағларга тегишли фақат учта кўрсаткич тавсия қилинган. Табиийки, бундай ёндошиш қўйилган муаммонинг тўлиқ хал бўлиши учун етарли эмас.

Бизнинг фикримизча, айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам иқтисодий мазмуни жихатидан асосий воситаларга ўхшаш. Улар иккаласи ҳам аудиторлик ташкилотларининг активларини ташкил қилади, иккаласи ҳам моддий ресурслар гурухига киради. Шу жихатдан айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам уч гурухга бўлиш мумкин: айланма маблағлар холатини ифодаловчи кўрсаткичлар, айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

---

[10] Волжин И.О., Ергашбаев В.В. Молиявий тахлил.- Тошкент: "Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998, 74-93 бет.

[11] Хасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий холатини баҳолаш: муаммолар ва уларни хал қилиш. - Тошкент: "Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999, 17-18 бет.

2.3. Аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик ҳолатини аниқлаш услубиёти

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик эҳтимолини қанчалик тез аниқланса, танг ҳолатдан чиқиш йўллари ҳам шунчалик тез ишлаб чиқилади. Аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик эҳтимолини аниқлашда фойдаланиладиган манба аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботи белгиланган коэффициентлар орқали иқтисодий ночорлик аломатлари аниқланади.

Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи ҳисоб жараёнини якунловчи босқичи ҳисобланади. Бу ҳисобот ёрдамида аудиторлик ташкилоти фаолияти баҳоланади. Бундан ташқари, ундан кейинги даврда прогноз тузишда фойдаланилади, шунингдек аудиторлик ташкилотининг бюджети кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишда асосий база бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (16-модда), йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллардан иборат бўлиши шарт:

- Бухгалтерия баланси (15-БХМС);
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (3-БХМС);
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (9-БХМС);
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (14-БХМС);

2а-Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида» маълумотномаси;

Бу молиявий ҳисоботлар 1-сон БХМСда ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби сиёсатига мувофиқ тайёрланиши ва улардан фойдаланувчилар учун аҳамиятли бўлиши мақсадида тўлиқ ҳажмда маълумотлар сақланиши керак. Чунки улар аудиторлик ташкилоти фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлиқ ва аниқ фикрга эга бўлишлари лозим.

Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шаклини тузиш тартиби алоҳида БХМС билан тартибга солинади. Молиявий ҳисоботларнинг изохлари тушунтириш хати кўринишида мунтазам равишда тақдим этилиши керак.

Ҳисобот шакллари орқали иқтисодий ночорликни аниқлашдан олдин ҳар бир ҳисобот шаклини батафсил ўрганиб чиқамиз.

Бухгалтерия баланси биз юқорида таъкидлаганимиздек молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. У аудиторлик ташкилоти маблағларини гурухлаш ва таркибини пул баҳосида акс эттириш ҳамда пул маблағларини, уларнин ҳосил этиш манбаларини муайян санага жойлаштириш усулидан иборат бўлади.

Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳолатини текширишд, унинг молиявий натижаларини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

«Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботда хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлар ва харажатлар турлари, молиявий натижалар, сотишдан олинган соф тушум, сотишдан ялпи молиявий натижа, фойда солиғи тўлашдан олдинги молиявий натижа (фойда ёки зарар), ҳисобот йилининг соф фойдаси (ёки зарари) кўрсатилади.

Худди шу шаклга «Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотнома» илова қилинган, унда бюджетга барча тўловлар бўйича маълумотлар акс этади. Шунга солиқ қонунчилигини бузганлик учун иқтисодий санкцияларни ҳам қўшиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва ДСҚ йўриқномасига кўра ҳисоб китоблар бўйича тегишли барча суммалар ва бюджетга ҳақиқатда тўланган суммалар кўрсатилади.

Бизга маълуики, ҳар қандай янгитдан ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаши учун биринчи навбатда ҳар доим етарлича маблағга эга бўлиши керак. Агарда ушбу шартнинг тўлалигича бажарилишига эришилмаса мазкур хўжалик юритувчи субъект нобарқарорликка ҳаттоки таназзулга юз тутиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз фаолиятини ҳар

доим мунтазам равишда иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда тўғри қарор қабул қилиб ишлаши кераклигини тақозо этади. Натижада хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги ўзгаришлар тезда аниқланиб, керакли чора-тадбирлар кўриш мумкин бўлади.

Ҳисобот шакллари орқали ночорлик белгиларини аниқлашда, биз Корхоналар иқтисодий ночорлиги ҳақидаги ишлар бўйича қўмита (Ўзбекистон республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги қарорига мувофиқ) ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш мезонлари тизимига мувофиқ корхоналар ночорлиги даражаси, корхонанинг иқтисодий ночорлиги аломатлари мавжудлигини акс эттирувчи қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланамиз:

- корхонанинг тўлов лаёқати ва қоплаш коэффицентини ўрганиш;
- корхонанинг молиявий мустаққиллик даражасини баҳолаш
- ўз ва қарз маблағлари орасидаги ўзаро нисбат даражалари;
- активлар, капитал ва мажбуриятлар рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражалари;
- асосий ва номоддий активларнинг ҳолат кўрсаткичлари;
- муддати ўтган қарз мажбуриятларининг ҳолати.

Бу кўрсаткичларни ўрганиш орқали аудиторлик ташкилотининг иқтисодий ночорлигини ойдинлаштирувчи саволларга жавоб берилади, иқтисодий ночорлик белгиларнинг бор йўқлиги аниқланиб зарур бўлса банкротлик қарори қабул қилинади.

Фикримизча, муайян сана учун аудиторлик ташкилоти ҳолатини ўрганишда ҳақиқий аҳволдан ва қарзларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларни узиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилаётган коэффициентларни қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўловга лаёқатлилик коэффициенти аудиторлик ташкилотининг нафақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоблашиш ва тайёр махсулотни нақд пул тарзида сотиш шарти билан, балки моддий оборот воситаларининг бошқа

элементлари мавжудлигида ҳам тўлов имкониятлари қай даражада эканлигини кўрсатади. Коэффициентнинг пасайиши аудиторлик ташкилотининг тўлов имкониятлари пастлигини кўрсатади. Лекин ҳатто дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоблашишлар қилиниб, моддий оборот воситалри сотилган тақдирда ҳам аудиторлик ташкилоти акция ва облигациялари ноликвид бўлади.

Коэффициент қуйидаги формула билан ҳисобланади:

Ктк=А2/(П2-(Узк+Кзк+Ат)), бу ерда;

А2- оборот активлари, уларга ишлаб чиқариш захиралари, тайёр махсулот, дебиторлик қарзи ва бошқалар киради;

П2- мажбуриятлар;

Узк- узоқ муддатли заём ва кредитлар;

Кзк- қайтариш муддати келмаган қисқа муддатли заём ва кредитлар;

Ат- харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар.

Агар тўловга қобилиятлилик коэффициенти ҳисобот даври охирида ўртача тармоқ кўрсаткичидан камроқ қийматга (1дан кам эмас) эга бўлса, аудиторлик ташкилоти ана шу кўрсаткич бўйичаночор ҳисобланади. Коэффициенти меъёрий қийматининг 4га қадар ва ундан ошиб кетиши оборотда маблағларнинг пасайиши ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ўтиш даври муносабати билан тўлов тизимларида қийинчиликлар мавжуд бўлмоқда. Корхоналар, ташкилотлар, банклар ва давлат ўртасидаги ҳисоб-китоблар муаммоси энг кескин ва ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча ўзаро қарзларни бартараф этиш ва унинг олидини олиш аудиторлик ташкилоти даражасида қуйидаги чора-тадбирларни таклиф қилиш мумкин;

•маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

•қарз олиш тартибини такомиллаштириш;

•юридик хизматларнинг хўжалик шартномалари бўйича хуқуқий кучини таъминлаш ва муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириб олиш борасидаги ишларни кучайтириш;

•ҳисоб-китобларнинг янги шаклларини жорий этиш;

Ўзининг ва қарз маблаҳлари нисбати коэффициенти қисқа муддатли қарз маблағларининг ўз манбалари билан таъминланганлик даражасини белгилайди. Коэффициентнинг пасайиши аудиторлик ташкилоти шу омил бўйича ночорлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

Кук= П1/(П2-(Узк+Кзк+Ат)), бу ерда:

П1- ўз маблағлари манбалари (Устав сармояси, қўшилган сармоя, тақсимланмаган фойда ва бошқалар).

Агарда ўзининг ва қарз маьлағлари нисбати коэффициенти ҳисобот даври охирида ўртача тармоқ қийматидан кам қийматга (1дан паст эмас) эга бўлса, бу ҳол аудиторлик ташкилотининг ушбу кўрсаткич бўйича ночорлигидан далолат беради.

Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти аудиторлик ташкилотининг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган ўз оборот маблағлари мавжудлигини ёки аудиторлик ташкилоти мулкдорлари билан кредиторлар манфаатлари нисбатини тавсифлайди.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

Кум= ((П1+Узк)-А1)/А2, бу ерда:

А1- узоқ муддатли активлар;

Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати -0.1. Агар ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 0.1дан (ўртача

тармоқдагина) кам қийматга эга бўлса, аудиторлик ташкилоти ана шу кўрсаткич бўйича ночор деб ҳисобланади.

<u>Активлар рентабеллиги коэффициенти</u> - бу коэффициент аудиторлик ташкилотининг молиявий хўжалик фаолиятида ишлайдиган активларнинг фойда кўриш (зарар кўриш) даражасини кўрсатади.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

Арк= Стф/ БН, бу ерда:

Стф- солиққа торишга доир фойда (зарар);

БН- баланс активи ёки пассиви якуни.

Агар активлар рентабеллиги коэффициенти ҳисобот даври учун 0 (ноль)дан кам қийматга эга бўлса, аудиторлик ташкилоти зарар билан ишлаётган деб ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек олимлар, мутахассислар ўртасида рентабеллик белгилаш турли фикрлар мавжуд. Фикримизча, солиққа тортишга қадар фойда (зарар)ни аудиторлик ташкилоти мол-мулки суммасига бўлиш йўли билан белгиланадиган активлар рентабеллиги аудиторлик ташкилотининг ҳақиқий рентабеллигини тавсифлайдиган кўрсаткичдир.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ишлаб чиқариш қувватларининг бандлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичдир.

Кфк=Qхак/((Qлойиха-(Qижара+Qтухт)), бу ерда;

Qлойиҳа- белгиланган давр учун таққосланадиган қиймати ифодасида махсулот ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш)нинг энг кўп ҳажми;

Qхак- ҳисобот даври учун таққосланадиган қиймат ифодасида ишлаб чиқарилган махсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий хажми;

Qижара- ижарага берилган қувватлар ишлаб чиқарилган махсулотнинг (таққосланадиган ҳажмлари;

Qтухт- фаолияти хукумат қарори бўйича тўхтатиб қўйилган (консервация қилинган) қувватлардаги махсулотнинг (таққосланадиган ҳажмлари.

Агар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ҳисобот даври учун 0.5дан ёки ўртача тармоқ қийматидан паст бўлса, аудиторлик ташкилоти ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночор деб ҳисобланади.

Асосий воситалр эскириш коэффициенти ўртача ҳолга келтирилган кўрсаткич бўлиб асосий воситаларнинг эскириш даражасини тавсифлайди.

Авск=Э/А, бу ерда:

Э-асосий воситалар эскириши,

А-асосий воситаларнинг дастлабки қиймати.

Агар асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти қаралаётган давр охирида 0.5 қийматдан ошиб кетса, аудиторлик ташкилоти ушбу кўрсаткич бўйича ночор ҳисобланади.

Бизнингча, ишлаб чиқариш асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳолатини янада аниқроқ қилиб кўрсатади, чунки ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан натижалар олиш муҳим ҳисобланади. Демақ молиявий кўрсаткичлари мавсумийлик омилига боғлиқ бўлган корхоналарда энг қулай ҳисобот давридаги кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар ҳисобланиши лозим.

Пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш, тўлаш муддати келган кундан бошлаб ойдан ортиқ муддати ўтган қарз қонун хужжатлари ёки шартномаларга мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича талабларини амалга ошириш вақтидан бошлаб белгиланади (масалан, бюджетга солиқларни ҳисобот давридан кейинги маълум санага ҳар ой ёки ҳар чоракда тўлаш муддатлари).

Муддати 6 ойдан ўтган қарз ҳақидаги маълумотлар Молия вазирлигининг 1998 йил 26 июнда 79-сон буйруғи билан тасдиқланган ва

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 10 августда 338-1-сон билан рўйхатга олинган қмолиявий иқтисодий аҳвол тўғрисида ариза» 2б молиявий ҳисобот шаклидан олинади.

$$\textbf{Муддати ўтган қарз мажбуриятларининг ҳолати} = \frac{\textbf{Муддати ўтган мажбуриятлар}}{\textbf{Жами мажбуриятлар}}$$

Юқоридаги келтирилган коэффициентларнинг натижасига қараб, иқтисодий ночорликни аниқлаш тартибига кўра фирма ва компаниялар;

- мутлақ барқарор;
- барқарор
- нобарқарор
- банкрот ҳолатида бўлади.

Бундай тартиблаш бевосита аниқланган кўрсаткичлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва аудиторлик ташкилотининг муайян санадаги молиявий ҳолатига баҳо берилади. Кўрсаткичларни юқоридаги тартибда комплекс ўрганиш, уларнинг молиявий ҳолатига тўлиқ баҳо бериш ва шарҳлаш имконини беради. Корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ва санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг 1997 йил 17 апрелдаги 5-сонли йўриқномасига мувофиқ, корхоналарнинг мқтисодий нобарқарорлигини аниқлаш тизими ишлаб чиқилган.

Бу тизимда 4 меъёрий бирлик ўрин олган.

6-жадвал

Нобарқарорликни характерловчи кўрсаткичларнинг амалдаги меъёрий бирликлари

КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ	НОБАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ
Тўлов лаёқати	Кт<2
Ўз ва қарз маблағлари орасидаги нисбат	Ка<2
Молиявий мустақиллик	Км<0.5
Ўз-ўзини айланма маблағлар билан таъминланганлиги	Кот<0.12

Молиявий мустақиллик коэффициенти (Мк)- хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолати маблағларининг қарз маблағларига қарам эмаслигини тавсифлайди. Бу коэффициентнинг ўсиши молиявий мустақилликнинг ортиши ва молиявий қийинчиликлар хавфининг камайишини кўрсатади. Мутақиллик коэффициенти биринчи галда аудиторлик ташкилоти инвесторлари учун муҳимдир, чунки у мулкдорлар томонидан аудиторлик ташкилоти мол-мулкининг умумий қийматига қўшилган маблағлар ҳиссасини ифодалайди. Бу қиймат 0.5дан кам бўлмаслиги керак.

Мкғ=С/Сар, бунда:

Мк-мустақиллик коэффициенти;

С-аудиторлик ташкилотининг ўз сармояси;

Сар-хўжалик маблағлари сармояси.

Кўрсатилган мезонлар тизимида келтирилган коэффициентларни топишда биз бевосита аудиторлик ташкилоти балансидан фойдаланамиз.

7-жадвал

«Одил аудит» аудиторлик ташкилотида молиявий коэффициентлар таҳлили[8]

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1	2	3	4=3-2
1. Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,98	0,99	0,01
2. Тўлов қобилияти коэффициенти	23,8	29,1	5,3
3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти	0,04	0,03	-0,01

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, «Одил аудит» аудиторлик ташкилотида йил охирида тўловга қобилиятлилик коэффициенти 12 коэффицентга тушган бўлса ҳам, ҳозирги 3,1 коэффициент ҳам ижобий ҳисобланади. Умуман олганда ҳар уччала коэффициент бўйича аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳолатини барқарор деб айтишимиз мумкин.

Молиявий ҳисобот натижаларига кўра хўжалик юритувчи субъект фаолияти доимий равишда акциядорлар, кредиторлар, мол етказиб берувчилар, ҳақиқий ва эҳтимолий инвесторлар ва бошқаларнинг кузатуви ва

[8] Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

назоратида бўлади. Бундай таҳлилни амалга ошириш учун одатда аудиторлик ва маслаҳат фирмаларидан аудиторлик ташкилоти ҳақидаги мустақил ва малакали экспертизага кафолат берадиган билимдон мутахассислар жалб қилинади. Оғир молиявий ҳолатда бўлган аудиторлик ташкилотлари ўз муаммоларини яшириши ва табиийки, ҳисобот кўрсаткичларини ўзгартириши ёки кўпайтириб кўрсатиши керак эмас. Ташқи мустақил экспертизани ташкил этиш улар учун айниқса муҳимдир. Бу эса доимий равишда шерикларнинг аудиторлик ташкилотига бўлган ишончини мустаҳкамлаш гарови бўлиб хизмат қилади.

II боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг 2-бобида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашнинг ҳозирги ҳолати ёритилган. Хусусан, мазкур бобда аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган усуллар, аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш тартиби, аудиторлик ташкилотларининг иқтисодий ночорлик ҳолатини аниқлаш услубиёти ёритилган.

Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан назарий, ҳуқуқий-меёрий, амалий ташкил этиш жиҳатларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштиришга боғлиқ. Бу борада сўнги йилларда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини ишончлилигини тасдиқлаш, уларни таҳлил этиш, хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик хизматларига бўлган талабини ва ишончини ошишига хизмат қилади.

III БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш истиқболлари

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан 18.04.2008 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича НИЗОМ” Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги "Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида" ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубиятини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини тартибга солади.

Низом Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини рейтингни баҳолашни ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари ҳаракатларини тартибга солади.

Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш, Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш, Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш жараёнларини тартибга солиш мақсадида мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Жамоатчилик кенгаши барпо этилади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси аудиторлар жамоатчилик ташкилотларининг ваколатли вакиллари;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили;

- CAP/CIPA сертификатларига эга аудиторлар тимсолида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотларининг вакиллари;

- аудит соҳасидаги илмий ходимлар ва ўқитувчилар.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг умумий миқдори тоқ бўлиши ва 7 кишидан кам бўлмаслиги керак. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг аниқ таркиби ва миқдорини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари белгилайди ва тасдиқлайди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўз ишларини жамоатчилик асосида олиб борадилар ва ҳеч қандай кўринишда ҳақ олмайдилар.

Агар овоз беришда Жамоатчилик кенгаши аъзолари тасдиқланган таркибининг камида 2/3 қисми иштирок этса, кворумга эришилган деб ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзоси объектив сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарига кетганлиги, меҳнат таътилидалиги ва ҳоказо) ҳозир бўлмаганда уни алмаштириш вариантлари масаласини Кенгаш унинг вакили Кенгашнинг ҳозир бўлмаган аъзоси ҳисобланган ташкилотдан бошқа номзодни тақдим этишдан келиб чиқиб, оддий овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан бирининг хизмат лавозими ўзгарганда у вакили бўлган ташкилот ўзининг бошқа вакили номзодини тақдим этиши шарт.

- Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолаш услубиятини тасдиқлаш;

- Рейтинг иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотларига юбориладиган Саволлар рўйхатини тасдиқлаш;

- Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини молиялаш манбаларини белгилаш;

- Рейтинг ўтказиш жадвалини тасдиқлаш;

- Рейтинг ўтказиш бўйича Ишчи орган раҳбарини тасдиқлаш;

- Ишчи органни молиялаш манбаларини, Рейтингда иштирок этиш баҳоларини тасдиқлаш ва Ишчи орган ҳисоботларини тинглаш;

- Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Якунлар тўлиқ рўйхати ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тасдиқлаш;

- Рейтинг якунлари бўйича шикоятлар, Рейтинг жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ва мулоҳазаларни кўриш;

- лицензияловчи давлат органининг ваколатли шахсига Рейтинг ўтказиш учун материаллар аудиторлик ташкилотидан олинмаганлиги (ўз вақтида олинмаганлиги) тўғрисида маълум қилиш;

- Рейтингни баҳолаш услубияти ва мазкур Низом билан белгиланган қоидаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш.

- объектив, холис бўлиш, муайян аудиторлик ташкилоти (ташкилотлари)нинг корпоратив манфаатларини кўзламаслик;

- ишчи орган ҳужжатларининг лойиҳалари, уларга доир таклифлар ва мулоҳазаларни 14 календарь кун мобайнида кўриш;

- Рейтинг ўтказиш давомида Ишчи органга таъсир кўрсатмаслик;

- Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби ва шакллантирилишидан кейин унинг Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқлигини текшириш;

- Якунларнинг тўлиқ рўйхати ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тасдиқлаш;

- ўтказилган Рейтинг якунлари бўйича келиб тушган барча шикоятлар ва таклифларни кўриш;

- масалаларни муҳокама қилаётганда Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида ихтилофлар юзага келган ҳолларда уларни амалий ҳал этиш йўлларини излаш;

- навбатдаги Рейтинг бошланиши олдидан Рейтинг ўтказиш жараёни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш имкониятини кўриш;

- Жамоатчилик кенгаши ишида иштирок этиш вақтида олинган ахборотнинг махфийлигини сақлаш, уни учинчи шахсларга бермаслик;

- Жамоатчилик кенгашининг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига, шунингдек Рейтингни баҳолаш услубиятига доир ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалари амалий, объектив бўлиши ҳамда Рейтингни ўтказиш жадвалига мувофиқ Рейтингни ўз вақтида ўтказишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Жамоатчилик кенгаши 14 календарь кун мобайнида Ишчи орган тақдим этган ҳужжат бўйича аниқ қарор қабул қила олмаса, ушбу ҳужжат Жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Рейтинг якунларини ва/ёки уни ўтказиш пайтида Ишчи орган томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқаётганда айни вақтда Ишчи орган аъзоси бўлган Жамоатчилик кенгаши аъзоси овоз беришда иштирок этмайди.

Жамоатчилик кенгаши раиси аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари орасидан сайланади, у Ишчи органнинг раҳбари бўла олмайди.

Рейтингнинг жорий даври учун Саволнома чоп этилганидан ва/ёки аудиторлик ташкилотларига юборилганидан кейин Жамоатчилик кенгаши мазкур ҳужжатга ҳар қандай ўзгартишларни киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Аудиторларнинг жамоатчилик ташкилотлари биргаликда хўжалик юритувчи субъектни таъсис этадилар, унинг уставга кўра фаолиятининг асосий йўналиши республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтингини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш ҳисобланади.

Ишчи орган зиммасига қуйида саналган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш юкланади:

- Рейтингни баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- Рейтинг ўтказиш учун Саволнома ишлаб чиқиш;

- Ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини Жамоатчилик кенгаши аъзоларига юбориш, уларни умумлаштириш учун таклиф ва мулоҳазаларни йиғиш;

- ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлатиш учун Жамоатчилик кенгашига киритиш;

- Саволномани республика аудиторлик ташкилотлари ўртасида тарқатишни ташкил қилиш;

- аудиторлик ташкилотларидан олинган материалларни Рейтингни баҳолаш услубиятига мувофиқ йиғиш ва умумлаштириш;

- республика аудиторлик ташкилотлари фаолияти рейтингини баҳолашни ўтказиш;

- Рейтинг якунлари тўлиқ рўйхатини шакллантириш, Рейтингнинг умумлаштирилган якунларига тушунтиришлар матнларини тайёрлаш;

- Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига киритиш, хатолар ёки Рейтингни баҳолаш услубиятидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда уларни дарҳол тузатиш чораларини кўриш;

- Жамоатчилик кенгаши тасдиқлашига Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини тақдим этиш;

- Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини тарқатиш учун материалларни тайёрлаш;

- Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва тарқатишни ташкил этиш;

- Рейтингни баҳолаш услубияти бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш, шунингдек Рейтингни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича шикоят ва таклифларни йиғиб, кейинчалик уларни Жамоатчилик кенгаши кўриб чиқишига топшириш;

- шахссизлантирилган ва умумлаштирилган кўринишда аудиторлик хизматлари бозорининг таҳлилий ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш, шунингдек уларнинг якунларини тижорат асосида тарқатиш;

- Ишчи органнинг иш ҳужжатларини юритиш ва сақлаш.

Ишчи органнинг Рейтингни ташкил этиш ва ўтказишга доир барча ишлаб чиқилган ҳужжатлари, шунингдек мазкур Низомни ва Рейтингни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича ўзгартиришлар Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингининг умумлаштирилган якунлари оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини аудиторлик ташкилотлари бевосита Ишчи органдан оладилар.

Ишчи орган аудиторлик ташкилотларидан олинган материаллардан шахссизлаштирилган ва умумлаштирилган кўринишда республика аудиторлик хизматлари бозорининг ҳолатини тавсифлайдиган таҳлилий материаллар ва маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш учун фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Рейтинг ўтказиш жараёни устидан вақтинчалик назорат ўрнатиш учун Жамоатчилик кенгаши Рейтинг ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Жадвалда Рейтингни ўтказиш бутун таомили аниқ кўрсатилади, у Саволномани ишлаб чиқишдан бошланади, ахборот йиғиш ва умумлаштириш, Рейтинг ҳисоб-китоби, унинг натижаларини Жамоатчилик кенгаши билан келишиш жараёнларини ўз ичига олади ва Рейтингнинг умумлаштирилган якунларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиб, кейинроқ Рейтинг якунларининг тўлиқ рўйхатини республика аудиторлик ташкилотларига юбориш билан якунланади.

Рейтингнинг жорий даври учун Жадвал тасдиқланганидан кейин рейтингни баҳолаш тугаллангунига қадар Жамоатчилик кенгаши уни ўзгартиришга ҳақли эмас.

Рейтинг ўтказишнинг жорий даври деганда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг унинг якунлари бўйича улар фаолияти рейтинг баҳолари ҳисобланадиган аниқ ҳисобот даври тушунилади.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳисобот даври деб бундан аввалги ҳисобот даврининг якунлари ҳисобланади.

Ишчи орган Рейтинг ўтказиш олдидан ҳар гал республика аудиторлик ташкилотларига юбориладиган, Рейтинг ўтказиш учун саволлар рўйхатини ишлаб чиқади ҳамда Жамоатчилик кенгаши кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этади.

Саволлар жамликда республика аудиторлик ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолиятини тавсифлаши ва барча аудиторлик ташкилотлари учун бир хил бўлиши керак.

Жавоби аудиторлик ташкилотларининг маълумотлар махфийлигини сақлаш ҳуқуқини камситиши мумкин бўлган саволлар Рўйхатга Жамоатчилик кенгашининг қарорига кўра, махфийликни сақлаш ва улардан Ишчи орган шахссизлаштирилган (умумлаштирилган) кўринишда фойдаланиши шарти билан, киритилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган материалларни тасдиқлаш учун Ишчи орган Жамоатчилик кенгаши билан келишган ҳолда уларнинг молия ҳисоботини (1-5-сон шакллар), шунингдек Саволлар рўйхатига кирадиган, молиявий ҳисоботда акс этмаган маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эгадир.

Ишчи орган Жамоатчилик кенгашининг кўрсатмасига кўра ҳар гал тақдим этилган материалларнинг тўғрилигини бевосита аудиторлик ташкилотларида текшириш ҳуқуқига эгадир.

Рейтингни баҳолаш услубияти Рейтингнинг жорий даври учун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини умумлаштириш ҳамда таққослашга йўналтирилган ҳужжатдир.

Услубиятда аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари улар ўхшашлиги аломатларига боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлинади, улар Рейтинг мақсадларида "параметр" деб номланади. Ҳар бир параметр аудиторлик ташкилоти фаолияти якунларининг бир нечта миқдор ва сифат кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда Рейтинг коэффициенти деб аталади.

Рейтинг якунлари ҳисоб-китоби давомида ҳар бир коэффициентга муайян баллар берилади, улар кейинроқ ҳар бир параметр бўйича умумий балл ҳисоб-китоби учун ўртача миқдорда келтирилади. Барча параметрларнинг умумий балларини ўртачалаштириш воситасида аудиторлик ташкилотининг умумий якуний рейтинг бали чиқарилади.

Коэффициентлар ва параметрларнинг аниқ рўйхати, умумлаштирилган ва ўртачалаштирилган баллар ҳисоб-китоби тартиби Рейтингни баҳолаш услубиятида келтирилади.

Аудиторлик ташкилотларининг миллий рейтинги асосига республика аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тавсифловчи таққосланадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари қўйилган.

Ҳар бир алоҳида олинган коэффициент бўйича аудиторлик ташкилотларининг энг яхши кўрсаткичлари эталон деб ҳисобланади. Бошқа аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг натижалари бўйича олинган коэффициентлар ушбу эталон билан солиштирилади.

Рейтингда аудиторлик ташкилотлари ёки аудиторлик-консалтинг гуруҳларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари иштирок этадилар.

Аудиторлик ташкилотлари рейтинги лицензия турига боғлиқ ҳолда гуруҳлар бўйича ўтказилади:

- барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари "А" индексини оладилар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг, бундан устав капитали 500 млн сўмдан кўп бўлган ОАЖлар, банклар ва суғурта ташкилотлари мустасно, ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари "В" индексини оладилар;

- фақат ташаббусли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари "С" индексини оладилар.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидаги параметрлар ва коэффициентларга гуруҳланади:

1. Миқёслилик (Км):

- устав капитали миқдори шакллантириш санасида энг кам иш ҳақи миқдорига каррали миқдорда (М1);

- бажарилган бир шартноманинг ўртача қиймати (М2);

- жами тушум (М3);

- соф фойда (М4);

- юридик шахс ҳисобланмаган филиаллар миқдори (М5);

- ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этиб бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми;

- ёрдамчи пудрат асосида бажарилган аудиторлик хизматлари ҳажми.

2. Кадрлар салоҳияти (Кк):

- ташкилот раҳбарини муваффақиятли аттестациялаш (К1);

- сертификатланган аудиторлар сони (К2);

- халқаро тан олинган сертификатли мутахассислар миқдори (К3);

- аудит бўйича ички стандартлар ва ўз ўқув-услубий қўлланмаларининг мавжудлиги (К4);

- штатда халқаро аудит тажрибасига эга бўлган аудиторларнинг мавжудлиги (К5);

- аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида штатдаги аудиторларнинг ўртача иш стажи (К6).

3. Фаолиятни диверсификациялаш (Кд):

- ўтган йилга нисбатан тушумнинг ўсиши (Д1);

- халқаро лойиҳалар аудити, МҲХС ва ХАС бўйича хизматлар (Д2);

- кредит муассасалари аудити (Д3);

- суғурта ташкилотлари ва инвестиция институтлари аудити (Д4);

- устав капитали 500 млн сўмдан зиёд бўлган акциядорлик жамиятлари аудити (Д5).

4. Имижни йўқотмаслик (Кн):

- реклама ва вакиллик харажатлари миқдори (Н1);

- касбий ташкилотларга аъзолик (Н2);

- ўз офисининг мавжудлиги (Н3);

- офисни ижарга олиш харажатлари (Н4);

- оммавий фаолият (чоп этилган мақолалар, китоблар, семинарлардаги чиқишлар, дарс бериш) (Н5).

5. Барқарорлик (Кб):

- соф активлар миқдори (Б1);

- уларнинг услубиятидан фойдаланиш ва уларнинг сифат ташқи назорати тизимидан ўтиш ҳуқуқи билан бирга аудиторлик фирмаларининг халқаро ёки миллий тармоғига кириш (Б2);

- сифатнинг ташқи назоратидан ўтиш (Б3);

- кадрларни тайёрлаш харажатлари (Б4);

- аудит бозоридаги фаолият муддати (Б5);

- штатдаги аудиторлар иш ҳақининг ўртача миқдори (Б6).

Аудиторлик ташкилотларининг рейтинги аудиторлик ташкилотларини демпинг сиёсатини қўлламаслик, касбий ташкилот аъзоси бўлиш, ўз фаолиятини пухта ва ошкора амалга ошириш, ўз кадрлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўз фаолиятини диверсификациялашга қизиқтиришга йўналтирилган.

Параметрларнинг коэффициентлари

Ҳар бир параметрнинг аҳамиятига сифат баҳосини бериш учун уларга муайян коэффициент берилади:

1. Миқёслилик - 0,2;

2. Кадрлар салоҳияти - 0,03;

3. Фаолиятни диверсификациялаш - 0,2;

4. Имижни йўқотмаслик - 0,05;

5. Барқарорлик - 0,25.

Рейтингни баҳолаш ҳисоб-китоби

Мамлакатимизда аудиторлик ташкилотларининг рейтингини мунтазам таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, рейтинг учун аудиторлик ташкилоти фаолиятини баҳолашда мезон сифатида кўламдорлик,

кадрлар салоҳияти, фаолиятни диверсификациялаш, имижни қўллаб-қувватлаш, барқарорлик кўрсаткичлари[9] таҳлили қуйидагиларга гувоҳлик беради, (8-жадвал). Жадвал маълумотларидан, рейтинги аниқланган 93 ташкилотнинг жами 20 таси А гуруҳи, 39 таси В гуруҳ, 17 таси С гуруҳ ва 17 таси D гуруҳига мансуб экан деган хулоса чиқариш мумкин бўлади.

8-жадвал

2014 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи аудиторлик ташкилотлари рейтинги[10]

Ҳажми	**0,20**	**0,30**	**0,20**	**0,05**	**0,25**	**1,00**
Лицензия турлари бўйича	**Кўлам-дорлик**	**Кадрлар салоҳияти**	**Фаолиятни диверсифи-кациялаш**	**Имижни қўллаб-қувватлаш**	**Барқарор-лик**	**Якун**
1. Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари						
А гуруҳи	11 та					40-52 балл
В гуруҳи	17 та					26,2-39 балл
С гуруҳи	13 та					20-26,1 балл
D гуруҳи	2 та					0-19 балл
2. Ташаббусли ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари						
А гуруҳи	3 та					47-56 балл
В гуруҳи	7 та					29-46 балл
С гуруҳи	2 та					15-28 балл
D гуруҳи	2 та					0-14 балл
3. Ташаббусли аудиторлик текширувларини амалга оширадиган аудиторлик ташкилотлари						
А гуруҳи	3 та					36-48 балл
В гуруҳи	15 та					24-35 балл
С гуруҳи	12 та					13-23 балл
D гуруҳи	13 та					0-12 балл
3. Халқаро аудиторлик ташкилотлари						
А гуруҳи	3 та					55-81 балл
В гуруҳи	-					34-54 балл
С гуруҳи	-					25-33 балл
D гуруҳи	-					0-24 балл
Жами:	**103 та қатнашди**					

Бироқ, бизнингча, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи аудиторлик ташкилотларини рейтингини аниқлаш тартиби улар қобилиятини

[9] 2014 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг рейтинг баҳоси. //Солиқ ва божхона хабарлари. Тошкент, 2015. - №51(751). -Б. 4.

[10] http://auditreyting.uz/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

тўлиқ ифода этмайди. Шу боис, аудиторлик ташкилотларининг маълум бир муддатга (олти ой, бир йил) маълум тартиб ва қоидаларга кўра аниқ мезонлар асосида рейтингини аниқлаш улар ҳолатининг йиғма баҳосини ифодалайди. Афсуски, шу пайтгача аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикаси ва уни амалга ошириш тартиби етарли даражада пухта ишлаб чиқилмаган. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига таяниб, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлари асосида таҳлилий жадвал ёрдамида комплекс ва тизимли анкета ўтказиш орқали имкониятларини аниқлаш мумкин. Рейтингнинг кўтарилиши ва пасайиши ташкилотнинг ривожланиш динамикасини белгилайди. Ҳар бир ташкилотнинг рейтинг индекси алоҳида, индивидуал бўлиши шарт. Ушбу ёндашув ҳар бир аудиторлик ташкилотини алоҳида тизимли таҳлил қилишга шароит яратади. Таҳлил натижасида аудиторлик фаолиятининг умумий, комплекс ривожланиш истиқболини белгилаш мумкин. Рейтингнинг асосий методикасига уч омил сифатидаги базавий кўрсаткичлар: миқдор ва сифат жиҳатдан тавсиф, ички ва ташқи корпоратив ресурслар, рақобатдаги устунлигининг қиёсий таҳлили киради. Бундан ташқари, индекснинг ҳисоб-китобида бир қатор номолиявий, рақамсиз, бошқарув қарорлари мавжуд бўлган маълумотлар базасига ҳам таянилади. Рейтинг аниқлашнинг аҳамияти шундаки, иқтисодиётнинг турли сегментларини текширишга мўлжалланган ҳар бир аудиторлик ташкилотининг молиявий хизматлар бозордаги мавқеини ўз вақтида аниқлаш ва доимий мониторингни олиб бориш имкониятини бериши ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчиларга етказиш билан белгиланади. Бундан ташқари, улар индексларининг ялпи жамламаси молиявий хизматлар бозорида ишончли индикатор бўлиб ҳисобланади.

Бизнингча, рейтингни аниқлаш методикаси механизмини интернет тизимидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу биринчидан вақтни тежаш имконини берса, иккинчидан иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Фикримизча, рейтингни аниқлашни Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит методологияси” бошқармаси амалга оширса, мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш йўналишлари

Иқтисодиётимизнинг ҳозирги шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини истиқболли ривожлантириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг давр талабига монанд юритилишини таъминлаш, солиққа тортиш ҳамда уларга бошқа иқтисодий ва ҳуқуқий консалтинг хизматлари кўрсатишда аудиторлик фаолиятининг ўрни беқиёс. Бизда мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларида, яъни 1992 йилда Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчи бўлиб “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу вақтда иқтисодий соҳада ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат эди.

Юртимиз иқтисодиётида амалга оширилган изчил сиёсат ва туб ислоҳотлар, ўтган давр мобайнида юз берган янгиланишлар ва сифат ўзгаришлари ушбу тизимда қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этди ва янги таҳрирдаги Қонун 2000 йил 26 майда қабул қилинди. Мазкур Қонун мамлакатимизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, унда кечадиган жараёнлар кўламини янада кенгайтириш, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ва кафолатлашга ҳамда уларнинг юқори касб маҳоратига эга бўлишларини таъминлашга имкон берди. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунни амалиётга самарали татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сонли Қарорида аудиторлик фаолиятини лицензиялаш,

аудиторлик хулосаларини солиқ органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби ва мажбурий аудиторлик текширувидан ўтмаган хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш қоидалари белгиланган эди.

Аудиторлик фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, агар 2002 йил ҳолатига кўра мамлакатимизда 393 та аудиторлик ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг сони 570 тага етди. Шундан 422 таси ёки 74,0 фоизи масъулияти чекланган жамият, 28 таси ёки 4,9 фоизи ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти, 120 таси ёки 21,1 фоизи хусусий фирма шаклида фаолият кўрсатиб келди. Устав капиталининг миқдори 5 млн. сўмга тенг бўлган аудиторлик ташкилотларини сони 391 тани ёки 68,6 фоизни, 5 млн. сўмдан ортиқ маблағга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари сони 175 тани ёки 30,7 фоизни, хорижий валютада устав капиталига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари сони эса атиги 4 тани ёки 0,7 фоизни ташкил этди. Республика бўйича лицензия олган аудиторлик ташкилотларидан 246 таси, яъни 43,2 фоизи Тошкент шаҳрида ва қолганлари республикамизнинг бошқа вилоятларида фаолият кўрсатиб келган.

Республикамизда 2015 йилнинг 1 май ҳолатига кўра аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари 103 та бўлиб, уларнинг устав капитали энг кам ойлик иш ҳақининг 1500, 3000 ва 5000 баробаридан кам бўлмаган миқдорда бўлиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Шундан 44 та аудиторлик ташкилоти устав капиталида 50 фоиздан ортиқ акциялар пакетига эга бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказишга рухсат олган. Шу билан бирга, уларга барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказишга ҳам рухсат берилди.

Шу ўринда, бизнинг фикримизча, яна қуйидаги муаммоларни ижобий ҳал этиш ўта долзарб ҳисобланади. Булар: мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг сони кўплиги; уларга тўғри келадиган лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотларининг камлиги; уларнинг мижозларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсата олмаслиги; бу

ташкилотларнинг ўта камлиги эса аудиторлик хизматлари баҳосининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида, аудит хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига пасайишига таъсир кўрсатади.

Маълумки, ҳар бир аудиторлик ташкилоти аввало ўз устав капиталини шакллантириши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган 365-сонли Қарорининг 5-бандига асосан аудиторлик ташкилотлари учун устав капиталининг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баробари миқдорида белгиланган ва улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида таъсис ҳужжатларида назарда тутилган устав капиталини шакллантиришлари зарур бўлган.

Бироқ ўрганишлар натижалари шуни кўрсатдики, аксарият аудиторлик ташкилотларининг устав капитали юқори нархларда баҳоланган эски мебель, компьютер, ташкилий техника жиҳозлари, автотранспорт ва бошқа буюмлар билан шакллантирилиб, уларнинг устав капитали сунъий равишда оширилган. Шу билан бирга, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш борасида кўрилган амалий чора-тадбирлар суст эканлиги ва баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилгани, аудит тизимидаги ишларнинг аҳволи ошиб бораётган талабларга жавоб бермаслиги, текширувларнинг юзаки ва профессионал жиҳатдан паст савияда ўтказилиши, аудит тизимининг ўзи молия бозорида етарли ишонч қозона олмаганлиги сезилиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда қабул қилинган “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 615-сонли Қарори ўтган давр мобайнида иқтисодиётда юз берган туб ўзгаришларни инобатга олиб, аудиторлик фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда муҳим туртки бўлди.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган яна бир масала, муаллиф аудиторлик ташкилоти устав капиталининг маълум фоизи (камида 50 фоизини) пул кўринишида шакллантириш ҳамда белгиланган

муддатларда тўлдириш, унинг таркиби ва ҳолати устидан назорат қилиш таклифини билдирган эди. Ушбу таклиф мазкур муаммоларни бартараф этиш ва аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлда “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 907-сонли Қарорининг қабул қилиниши билан ўз тасдиғини топди.

Қонуннинг 8-моддасида аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъектлар ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиши оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар эканлиги белгиланган. Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт эканлиги кўрсатилган, лекин амалда аудиторлик ташкилотлари тузган шартномаларида етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммаларига олмаганликларини кўриш мумкин. Бундай ҳолатнинг ҳуқуқий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 336-моддасида ҳам белгилаб қўйилган.

Амалиётда эса фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига берилган хулосалар билан солиқ идоралари томонидан берилган баҳо ўртасида ҳам номувофиқликлар мавжуд бўлиб, аудиторлик ташкилотларидан 20 таси ўзи текширган корхоналарнинг молиявий аҳволига “ижобий” аудиторлик хулосасини берган. Ушбу аудиторлик хулосаларидан кейин солиқ органлари томонидан текширилган хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар нотўғри ҳисобланганлиги аниқланган ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси

томонидан давлат бюджетига қўшимча 164,6 млн.сўм ундирилган. Аудиторлик ташкилотларининг аксарияти аудиторлик текшируви бўйича ижобий хулоса беришга ҳаракат қилади, чунки мижозлар салбий хулосадан кўра ижобий хулосани тўсиқларсиз қабул қиладилар, салбий хулоса бўйича эса ўз вақтида ҳақ тўламаслик ҳолатларининг учраши сабабли улар аудиторлик одоби талабларига риоя этмаган ҳолда фаолият олиб бораётганлигини айтиш жоиз.

Вазирликлар, қўмиталар, компаниялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарияти ўзлари бошқараётган корхоналарни аудит текширувидан ўтказиш учун ҳеч қандай тендер танловлари ўтказмасдан ёки бундай танловларни номигагина ўтказиб, қатор йиллар мобайнида бир аудиторлик ташкилотини танлаётганлиги ва рисоладагидек силлиқ аудит хулосасини олаётганлиги ҳолларини кўриш мумкин. Муаллиф томонидан 2005 йилда “Бозор, пул ва кредит” журналининг 9-сонида эълон қилинган мақолада аудиторлик ташкилотига бир хўжалик юритувчи субъектда кетма-кет 3 йилдан ортиқ аудиторлик текширувини ўтказишни тақиқлаш ёки ўтказишга йўл қўймаслик тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги таклиф этилган эди. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда қабул қилинган “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 615-сонли Қарори ва шу Қарорга илова қилинган “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низом”нинг 18-бандида аудиторлик ташкилотлари битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгилаб қўйилган (2-илова).

Тармоққа қарашли корхоналарни аудиторлик текширувидан ўтказишга мослашган аудиторлик ташкилотлари қаторига “Консаудитинформ” (Давлат мулк қўмитаси), “Пахта аудит” (Енгил саноат компанияси), “Аломат аудит” (Алоқа вазирлиги), “Ташагромаш аудит”, “Кимё аудит” (Ўзкимёсаноат компанияси), “Агротаҳлил” ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек

“Ўзагромашсервис” уюшмасини ҳам бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур уюшманинг Сирдарё ва Тошкент вилоятидаги қуйи бўлинмаларининг деярли барчасида йиллик аудиторлик текширувлари аудиторлик фирмалари томонидан юзаки ўтказилган. Аудиторлик хулосаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ишлари тўғри юритилган деб баҳоланган, аммо ўрганиш давомида олиб борилган таҳлиллар бир қатор хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари бузилганлигини кўрсатди. Ҳатто, Тошкент вилоятининг туман машина-трактор парклари фаолияти “Ташагромашаудит” аудиторлик фирмаси томонидан аудит текширувидан ўтказилиб, хулосалар берилган. Бу фирманинг раҳбари эса Тошкент вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси, яъни юқори ташкилотнинг бош бухгалтери вазифасида ишловчи шахс бўлиб, у “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига зид равишда иш олиб борган. Қонуннинг ушбу моддасига кўра бошқарув органларининг, шунингдек хўжалик бошқарув органларининг мансабдор шахсларига аудиторлик текшируви ўтказиш тақиқланган, аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари асосида тузилиши кераклиги белгиланган.

Аудиторлик ташкилоти ва унда фаолият олиб бораётган аудиторлар ушбу миллий стандартларга эга бўлиши, уларни яхши билиши ва касб маҳоратларини доимо ошириб бориши, ҳар бир стандарт тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Амалда эса айрим аудиторлар қонун ва қонун ости ҳужжатлари тўғрисида билимга эга эмаслиги, миллий стандарт ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларини амалда қўллай олмаслиги, аслида улар ихтиёрий шаклда хулоса бераётганликлари, аксарият ҳолларда эса аудиторлик хулосаси ва ҳисоботида текширув бўйича камчиликлар акс эттирилмаётганлиги, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилмаётганлиги “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси” 70-сонли миллий стандарти талабларига мос эмаслигидан далолат беради. Демак, аудиторлик

ташкилотлари ҳамда аудиторлар мижоз ва жамият қизиқишидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларининг қонун ҳужжатлари ва аудиторлик стандартлари талаблари асосида бажарилишини таъминлашга ҳамда назорат сифати ва аудиторлик касбига оид ахлоқ кодексига риоя этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда қабул қилинган “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 615-сонли Қарори ва шу Қарорга илова қилинган “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низом” юқорида кўрсатиб ўтилган барча камчиликларга барҳам берди ва аудиторлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишда муҳим аҳамиятга касб этди. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари учун 2008 йил 1 январгача белгиланган устав капитали миқдорлари, белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш, юқори малакали аудитор мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш ва умуман аудиторлик фаолиятини ташкил этишнинг мақоми, вазифаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу ишларни ташкил этиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этишда республика ҳудудида мавжуд бўлган барча аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини мониторинг қилувчи ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, миллий стандартларга риоя этиш ва халқаро аудит талабларини жорий қилиш соҳасида фаолият олиб борувчи, аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлигини холисона талаб қилувчи ва мамлакат миқёсида аудиторлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи мутасадди органнинг масъулиятини янада ошириш аудиторлик хизматлари бозорининг кенг кўламда ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий интеграциясига шиддат билан қўшила бориши, мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг ривожланиши барча соҳада бўлгани каби аудиторлик

фаолиятида ҳам туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу боисдан, аудитни халқаро талабларга мувофиқ такомиллаштириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Чунки, бозор муносабатларини жадаллаштиришда республикамизнинг жаҳон бозорига янада чуқурроқ кириб бориши иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришни, иқтисодий муносабатларни янада кенгроқ амалга ошириш учун аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш муҳимдир. Бу борада аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва улар амалиётда ўз самарасини бериб келмоқда.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг 3, 4, 5, 6, 9, 10, 11, 13, 14, 16-сон миллий стандартлари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги «Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Ўзбекистон Републикаси Президентининг маърузасида келтирилган асосий қоидаларни амалга оширилиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги 296-сон Қарори асосида ишлаб чиқилган бўлса, аудиторлик фаолиятининг 25, 31, 50, 55, 56, 60, 70, 80, 90-сон миллий стандартлари эса «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 365-сон Қарорига асосан ишлаб чиқилган ва улар Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш элементи ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ – 615-сонли «Аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган “Аудиторлик

фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни алоҳида аҳамият касб этади.

Аудиторлик фаолияти қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

– аудиторлик текшируви ўтказиладиган шахслардан, шунингдек барча учинчи шахслардан мустақиллик;

– аудиторлик текширувларини ўтказишда ҳаққонийлик;

– аудиторлик текширувини ўтказаётган аудиторлик ташкилотлари мустақил равишда ишлаш усуллари ва методларини танлаши;

– аудиторлик текширувини амалга ошираётган шахсларнинг профессионал компетентлиги;

– аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг махфийлиги.

Юқоридаги тамойиллар асосида «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ аудиторлик ташкилотлари устав фондини шакллантириш ва ташкил этиш бўйича қуйидагилар белгиланган, жумладан:

– фақат ташаббус тарздаги аудиторлик текширувини амалга оширса энг кам ойлик иш ҳакининг 1500 баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капитали ва штатида камида 2 нафар аудиторларига эга бўлиши;

– устав капитали 500 млн. сўмдан юқори бўлган очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг ташаббус тарздаги ҳамда мажбурий аудиторлик текширувини амалга оширса энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капитали ва штатида камида 4 нафар аудиторларига, уларнинг биттаси халқаро бухгалтер сертификатига (CAP/CIPA) эга бўлиши;

– барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувини амалга оширса энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баравари микдоридан кам бўлмаган устав капитали ва штатида камида 6 нафар аудиторларига,

уларнинг иккитаси халқаро бухгалтер сертификатига(CAP/CIPA) эга бўлиши шартлиги белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аудиторлик ташкилоти Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (рухсатнома)ни тегишли турини олиш мақсадида юқорида келтирилган Низом талабларига мувофиқ равишда ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида маълумот[11] (01.04.2015 йил ҳолатига)

№	Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати	Сони
1.	Банклар ва бошқа кредит муассасалари	47
2.	Акциядорлик жамиятлари	1997
3.	Суғурта ташкилотлари	27
4.	Инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари	83
5.	Манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар	38
6.	Маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва Жисмоний шахслар томонидаи қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар	7
7.	Устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган маъсулияти чекланган жамиятлар (АЖдан ташқари)	593
	Республика бўйича жами	**2792**

Аудиторлик текширувларини назорат қилиш ва аудиторлик фаолияти юритувчи субъектларга лицензия бериш Молия вазирлигининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит методологияси Бош бошқармаси» томонидан амалга оширилмоқда.

Ҳаёт ривожланишдан тўхтаб қолмаганидек, аудиторлик фаолиятининг ривожланиши ҳам давом этмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлавермайди, албатта. Бунинг учун маълум бир қонунларга, қарорларга ўзгартириш киритилиши лозимки, улар кичик бизнес асосида фаолият юритаётган тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектларга ўз капиталини кўпайтиришда ижобий самарасини берсин. Бу ўз навбатида аҳолини моддий фаровонлигини янада

[11] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

оширишга ҳам хизмат қилсин. Бизнеснинг муваффақияти юксак даражадаги аудит хизматларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқлиги ҳақида тўхталиб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузасида “бизни аудит тизимининг ҳозирги аҳволи қониқтирмайди, чунки у ҳали-бери бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг зарур воситасига айлангани йўқ. Ушбу фаолиятни такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан таклифлар киритиш лозимлигини уқтиради.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва сифат ўзгаришлар аудиторлик фаолиятига қуйидаги вазифаларни қўшимча қилиб юклатилиши ушбу фаолиятни янада такомиллаштирилишига сабаб бўлади:

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторлар устидан назорат қилиш мақсадида йилда бир марта улардан ахборот олиб туришни таъминлаш (беш йилда бир марта лицензия бериш учун чақирувдан ташқари) даги назоратни амалга ошириш;

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторларнинг доимий равишда малакасини ошириб бориши ҳамда ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатининг юқорилигини таъминлаш мақсадида ўқув-методик марказлар (олий ўқув юртлари ва академияларда махсус фан бўйича)да бевосита қатнашувчи (хоҳ тингловчи, хоҳ таълим берувчи сифатида) бўлишини мажбурий қилиб қўйиш;

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторларнинг ўтказаётган аудиторлик текширувлари сифатининг юқорилигини таъминлашда доимо халқаро интернет тармоғидан фойдаланиш орқали кундалик махсус иқтисодий билимлардан хабардор бўлиши, махсус иқтисодий журналлардаги янгиликлардан воқиф бўлиши лозимлигини мажбурий қилиб қўйиш;

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторларнинг доимо халқаро ва мамлакат ичида ўтказилаётган конференцияларда амалиётда учраётган муаммолар юзасидан ўз тезис ва мақолалари билан қатнашишини мажбурий қилиб қўйиш ва ҳоказолар.

Бизнинг фикримизча, аудиторлик фаолияти амалиётида учраётган айрим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошида махсус гуруҳ ташкил қилиш лозимки, унинг иш фаолияти ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган таклифларни амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, норматив ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари бўйича эса мамлакат ҳукуматига юборишдан иборат бўлсин.

Албатта, юқорида баён этилагн фикрлар аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш стратегиясининг маълум бир кўринишлари холос. Лекин, аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг тактикаси шундан иборатки, бунда алоҳида фаолият юритувчи профессионал хизмат кўрсатувчи аудитор ва бухгалтерларни ҳам назоратдан чиқармаслигимиз лозим, чунки бунда уларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи ушбу шахсларга ҳам бизнингча қуйидаги талаблар қўйилиши лозим:

– Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига тўлиқ амал қилиши лозимлиги;

– алоҳида тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши мажбурийлиги;

– маълум бир профессионал аудиторлик хизмати кўрсатувчи ташкилотнинг мажбурий аъзоси бўлиши;

– малака сертификатига эга бўлиши;

– аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича фуқаролик (шахсий) маъсулияти (жавобгарлик) тўғрисида суғурта полисига эга бўлиши ва ҳоказолар.

Аудиторлик ташкилотларига эса, улар аудиторлик фаолиятини амалга оширишлари учун янги қонунчилик талаблари асосида қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:



2-расм. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талаблар[12].

[12] “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом” асосида ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида тузилганлиги, ҳар йилда бир марта мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозимлиги аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларида ҳам назарда тутилган.

Шуниси эътиборлики, кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар, банк муассасалари ташқи аудиторлик текширувидан ўтиш мақсадида аудиторлик ташкилотларини чақирганда, аудиторлик фаолияти таваккалчилик хавф-хатари ва аудитор фуқаролик масъулияти суғурта қилинганми-йўқми, агар мавжуд бўлса, суғурта полисини талаб қилишмайди. Чунки, аудиторлар текшириб, ўз хулоса ва ҳисоботларини тақдим этиб кетгандан сўнг, маълум бир сабаблар билан ваколатли органлар улар томонидан хатоликларга йўл қўйилганлигини аниқлаб, камчиликларини топса, текширувдан ўтган мижоз келтирилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, ундириш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли бўлади ва мижоз талаби суд томонидан суғурта ташкилоти ҳисобидан қондирилади.

Аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришнинг яна муҳим жиҳатларидан бири аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар ҳақидаги маълумотларнинг оператив ахборот таъминот базасига киритилмаганлиги ачинарлидир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистонда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга бағишланган, халқаро интернет тармоғида вебсайт очишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу ишни ташкил қилишда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси ёки Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси албатта, етакчи ташкилот бўлиши (харажатларни қоплаш ташкилотларнинг уларга аъзолик бадаллари ҳисобидан бўлиши) лозим.

III боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг 3-бобида аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашда рейтингни аниқлашни такомиллаштириш

масалалари ёритилган. Ўзбекистон молиявий хизматлар бозорида аудиторлик хизматлари кўрсатувчилари сони кундан кунга ошиб бормоқда. Айтиш мумкинки, улар янги барқарор ҳолатга қтиб боришмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг жуда тез суръатларда чуқурлаштирилиши таъкидлаш жоизки, ривожланишнинг тезлашувига сабаб бўлмоқда. Олти ой муқаддам биринчи марта беш йил ичида аудиторлик фаолиятининг жадал ривожланиши кузатилган. Янги кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бу бизнинг Республикамизда тасодифий ҳолат эмас. Чунки, меъёрий-ҳуқуқий база тубдан янгиланди, янги-янги кичик ва қрта бизнес субъектлари яратилди, банклар ва инвестицион компаниялар ташкил топди.

Ўз навбатида, уларнинг ҳақиқий ҳамкори-аудиторлик ташкилотлари ҳам тараққиётга юз тутди. Энди, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар олдида ўз фаолиятларини янада кенгайтириш, хизмат турларини кўпайтириш, профессионал тайёргарликни кучайтириш, айтиш мумкинки, сондан-сифатга қараб юзланиш вазифаси ққйилди. Улар охирги йилларда ўз бизнесларини 2 ҳисса оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Динамикаси ривожланаётган ташкилотлар салмоғи жами қатнашувчилар рейтингида икки баробарга камайди.

Хулоса

Аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этган ҳолда уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни қилиш имкониятини беради:

1. Аудиторлик фаолияти бозор инфратузилмаси элементи сифатида босқичма-босқич қарор топмоқда ҳамда унинг ҳуқуқий-меъёрий базаси ривожланмоқда. Ҳозирги босқичда аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири - хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосаси бериш қобилиятига эга, нуфузли аудиторлик ташкилотлари билан рақобатлаша оладиган, сертармоқ ва юқори профессионал даражадаги аудиторлик компанияларини ташкил этишдан иборат.

2. Маълумки, амалиётдаги кўпгина аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳолатини баҳолашда молиявий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаштириш каби методлари қўлланилади. Аммо молиявий таҳлилнинг бошқа усуллари ҳам борки, уларни баъзи аналитик жараёнларда, масалан иқтисодий кўрсаткичларни баҳолашда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Буларга корреляцион ва регрессион таҳлил, актуар ҳисоблаш усуллари ва бошқалар кириб, улар молиявий ҳисобот элементларини баҳолашда, молиявий кўрсаткичларни аниқлашда, шубҳасиз, катта ёрдам беради.

3. Маълумки, бухгалтерия балансининг горизонтал таҳлили актив ва пассивларнинг таҳлилида амалга оширилади. Фикримизча, горизонтал таҳлилни молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида, жумладан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда қўллаш кўпроқ самара беради.

4. Мамлакатимизда эркин рақобат муҳити аудиторлик ташкилотлари ўртасида шаклланаётган шароитда уларнинг рейтингини аниқлаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, тадқиқот жараёнида аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлашнинг янги мезонлари ва

кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Жумладан, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш ва рейтингини аниқлашда тавсия қилинган корпоратив кўрсаткичлар, корпоратив тоифаси, корпоратив ресурс индекси, рақобат устунлиги, дисконт ва InRUz индекси кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

5. Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятни такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан таклифлар киритиш лозимлигини уқтиради.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва сифат ўзгаришлар аудиторлик фаолиятига қуйидаги вазифаларни қўшимча қилиб юклатилиши ушбу фаолиятни янада такомиллаштирилишига сабаб бўлади:

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторлар устидан назорат қилиш мақсадида йилда бир марта улардан ахборот олиб туришни таъминлаш (беш йилда бир марта лицензия бериш учун чақирувдан ташқари) даги назоратни амалга ошириш;

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторларнинг доимий равишда малакасини ошириб бориши ҳамда ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатининг юқорилигини таъминлаш мақсадида ўқув-методик марказлар (олий ўқув юртлари ва академияларда махсус фан бўйича)да бевосита қатнашувчи (хоҳ тингловчи, хоҳ таълим берувчи сифатида) бўлишини мажбурий қилиб қўйиш;

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторларнинг ўтказаётган аудиторлик текширувлари

сифатининг юқорилигини таъминлашда доимо халқаро интернет тармоғидан фойдаланиш орқали кундалик махсус иқтисодий билимлардан хабардор бўлиши, махсус иқтисодий журналлардаги янгиликлардан воқиф бўлиши лозимлигини мажбурий қилиб қўйиш;

– мамлакатда фаолият юритаётган барча аудиторлик ташкилотлари ва ундаги аудиторлар, аудитор ассистентлари, бундан ташқари, якка тартибда ёлланиб ишлаётган ва бухгалтерия хизмати кўрсатаётган профессионал бухгалтер ва аудиторларнинг доимо халқаро ва мамлакат ичида ўтказилаётган конференцияларда амалиётда учраётган муаммолар юзасидан ўз тезис ва мақолалари билан қатнашишини мажбурий қилиб қўйиш ва ҳоказолар.

Магистрлик диссертациясида билдирилган таклифларнинг амалиётга қўлланилиши аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳолатини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008. -592 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни, 2000 йил, 77-II-сон
6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 26 сентябр.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ”Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ–615-сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ”Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–907-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-1529-сон Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош махсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

13.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкини зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли Қарори;

I.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.
18. «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сонли буйруғи.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

19.Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т. Ўзбекистон. 2011. 46 бет.
20.Каримов И. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2012. 52 бет.
21.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. 48 бет.
22.Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.
23.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

24. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва тахлил қилиш йўллари. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси уйи,“ 1999. 342 б.
25. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 447 с

26. Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. –М.: Финансы и статистика, 2004 г. 144 с.
27. Белоцерковский В.И. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебное пособие. - М.:"Экономика", 2005. - 294 с.
28. Бочкарева И.И. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. –М.: Проспект, 2006. 776 с.
29. Булыга Р.П. Аудит: учебник для бакалавров. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 431 с.
30. Волжин И.О., Ергашбаев В.В. Молиявий таҳлил. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998. 212 б.
31. Воронина Л. И. Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: Омега-Л, 2011. 680 с.
32. Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 с.
33. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности. Учебник. –М.: Дело и Сервис, 2005. 366 с.
34. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.
35. Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А. Аудит – М.: Юрайт, 2012. 640 с.
36. Жарыгласова Б.Т. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 400 с.
37. Завалишина И. А. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004. – 439 б.
38. Карагод В. С. Аудит. Теория и практика. –М.: Юрайт, 2012. 6 стр.
39. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. - 240 с.
40. Макальская М.Л. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Высшее образование, 2005. 443 с.
41. Подольский В. И., Савин А.А. Аудит –М.: Юрайт, 2012. 592 стр.

42. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – 3-е изд. – М.: Юрайт, 2011. – 605 с.
43. Raximov M.Yu. Iqtisodiyot sub`ektlari moliyaviy holatining tahlil. –T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. 392 b.
44. Рогуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 с.
45. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 с.
46. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 с.
47. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 с.
48. Суйц В.П, Ситникова В.А. Аудит: учебное пособие. - 2-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 168 с.
49. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.
50. Савин А.А., Савин И.А., СавинД.А. Аудит для магистров. Практический аудит. –М.: Инфра-М, 2012. 192 с.
51. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия – Минск: ИП "Экоперспектива",1997. 214 с.
52. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в зарубежных странах. Учебник. –М.: Проспект, 2005. 664 с.
53. Сотникова Л.В. Оценка состояния внутреннего аудита: Практическое пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 144 с.
54. Суйц В.П. Аудит: Общий, банковский, страховой. Учебник для вузов. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 662 с.
55. Харченко О.Н., Самусенко С.А., Фёрова И.С. Аудит: практикум. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.
56. Хоханова И. И., Хахонова Н. Н., Богатая И. Н. Аудит – М.: Мини Тайп, 2011. 464 с.

57. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.
58. Юдина А.В. Основы аудита: учебное пособие. – М.:Кнорус, 2011. – 352 с.
59. Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитиниг методологик муаммолари. Монография “Фан ва технология” нашриёти, -Т.: 2008. 102 б.
60. Ҳамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005. 220 б.
61. Хасанов Н., Нажбитддинов С. Корхона молиявий ҳолатини бахолаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш. -Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси " нашриёт уйи, 1999. 180 б.

IV. Авторефератлар

62. Исроилов Б.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 40 б.
63.Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2009. – 34 б.
64.Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 36 б.
65.Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 33 б.

V. Хорижий илмий адабиётлар

66. Bernstein. Financial Statement Analysis: Theory, Application, and nterpretation, fifth edition 2007, 325p.
67. Roger H. Hermanson James Don Edvards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 2005. 369p.

68. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 2008. 524p.

VI. Интернет сайтлари

69. http://www. audit.uz.
70. http://www. gov.uz.
71. http://www. lex.uz.
72. http://www. mf. uz.
73. http://www. uza.uz.

VII. Илмий мақола ва конференция тезислари

74. Илхамов Ш. Ички назорат тизими – аудиторлик текшируви жараёнининг асосий элементи // Молия. – Тошкент, 2010. – №1. 90-92 бетлар.
75. Қўзиев И. Акциядорлик жамиятларида аудитни режалаштиришнинг сифатини ошириш// Молия. – Тошкент, 2010. – №2. 81-84 бетлар.